ТИНЧ ТУРМУШ, ИЖОДИЙ МЕҲНАТ УЧУН

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 40 (7180). ● 25 февраль, 1980 йил ● ДУШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

БУЮК ЖИПСЛИК

Кеча мамлакатимизда республикалар Олий Советлари ва маҳаллий Советларга сайловлар бўлиб ўтди. Эрта тонгданоқ шаҳар ва қишлоқлар одамлар билан гавжум эди. Улар сайлов участкалари томон борар, ўз гражданлик бурчларини бажаришга — коммунистлар ва партиясизлар блоки номзодлари учун овоз беришга ошиқардилар.

Чеҳралардаги байрамона кайфият, чинакам хушнудлик руҳи, қизил алвонлардаги транспарант ва шиорлар, шўх музика сайловлар катта ва қувончли байрамга, умумхалқ шодиёнасига айланганлигини кўрсатиб турарди.

Халқимиз давлат ҳокимияти органларига ўз вакилларини сайлаш қунига меҳнат ғайрати ва сиёсий активлиги юксалган бир вазиятда келдилар. Кечаги сайловларнинг яна бир характери томони шунда бўлдики, у КПСС XXV съезди очилганига тўрт йил тўлган кунда ўтди.

Бу йиллар совет кишиларининг илҳомбахш меҳнати билан нишонланиб, мамлакатимиз коммунистик бунёдкорликнинг ҳамма соҳаларида анча олга ташлаш ишлари бўлди. Мамлакатимиз қоявий-сиёсий жиҳатдан янада жипслашди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев Москва шаҳар Бауман округи сайловчилари билан учрашувда сўзлаган чуқур мазмунли нутқида «Жамиятнинг жипслиги, бирлиги — социализмнинг ноёб мулкидир, бизнинг бебаҳо, енгилмас кучимиздир» деб айтди. Дарҳақиқат совет халқининг жипслиги — социалистик давлатимиз қудратининг мустаҳкам пойдеворидир.

Халқимиз ўзининг биринчи номзоди қилиб ўртоқ Л. И. Брежневни, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг бошқа раҳбарларини кўрсатганлиги ва улар учун кеча ишонч билан овоз бергانлиги совет жамияти метидек жипслигининг яна бир ёрқин намойишига айланди. Овоз бериш чоғидаги оммаанинг юксак активлиги, уюшқоқлик ва якдиллик вазияти жонажон партиямиз ички ва ташқи сиёсатини миллионлар қизғин қўллаб-қувватлаётганлигидан далолат берди.

— Шонли ленинчи партиямиз учун!
— Ватанимиз бахт-саодати учун!
— Жаҳонда тинчлик учун!
— Коммунизм учун!

Ҳамма сайлов участкаларида сайловчилар қалбидан чиққан ана шу оташин сўзларни эшитиш мумкин эди.

Республика Олий Совети ва область, шаҳар, район, қишлоқ ҳамда посёлка Советларига сайлов якунлари ҳали тўла чиқарилган бўлмаса ҳам дадил айтиш мумкинки, сайловлар коммунистлар ва партиясизлар блокининг тўла ғалабаси билан якунланди. Халқимиз асл фарзандлари, меҳнатда, жамоат ишларида ўзини кўрсатган илғор ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар учун якдиллик билан овоз бердилар.

Сайловлар совет демократиясининг чинакам тантанасига айланди. Ғалаба керакки, бу демократия тобора ривожланиб бормоқда. «Ўтган ўн йил мобайнида, — деб таъкидлади ўртоқ Л. И. Брежнев, — Советларнинг активлиги анча ўсди. Уларнинг ихтиёрида жуда катта имкониятлар борлиги янада равшан кўрина бошлади. Хўжалик ва маданият, аҳолига хизмат қилиш, кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришнинг кўпгина масалаларини ҳал этишдаги ташаббускорлик мана шу имкониятлар жумласига киради».

Сайловларда халқ депутатлари маҳаллий Советларининг бутун системаси таркиб топди. Партия уларнинг роли яна ўсиб борини лозим, деб ҳисобламоқда. Советлар ўз территориясидаги комплекс иқтисодий ва социал ривожланишда бош куч бўлиб ҳаракат қилишлари керак. Уларнинг моддий имкониятларини корхоналарнинг иш натижалари билан янада маҳкамроқ боғлаш лозим. Советлар давлат планларининг бажарилиши устидан, совет қонунларига оғишмай риоя этиш устидан янада қаттиқроқ назорат қилишлари керак. Бунда улар ўзларининг жуда кўп активларига таяниб иш кўришлари лозим. Советларнинг кучи ҳар бир депутат, ҳар бир мансабдор шахс қандай ишлаётганлиги билан белгиланади.

Сайловлар арафасида Л. И. Брежневнинг Тошкент область партия комитетига, халқ депутатлари область Совети ижроия комитетига йўллаган табрикномасидаги тўлқинлантирувчи сўзлар ҳар бир меҳнаткашнинг қалбидан жой олди. Областда халқ хўжалигининг ҳаётий муҳим тармоғи — чорвачиликни ривожлантириш, КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми қарорларини амалга ошириш борасида ўтказилаётган ишларга берилган юксак баҳо ҳаммани қувонтирди ва руҳлантирди, чорвачиликдаги мавжуд катта резерврларни тезроқ ишга солишга даъват этди.

Сайлов кампанияси муносабати билан беш йиллик якунловчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш, юксак самарадорлик ва сифат учун кураш борасида социалистик мусобақа авж олиб кетди. Илғор коллективлар, минг-минглаб меҳнаткашлар сайловга муносиб меҳнат совғалари тайёрладилар. Олдинда В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига бағишланган Бутуниттифоқ Коммунистик шанбалигини ўтказиш, КПСС XXVI съездига актив тайёргарлик кўришдек социалистик мусобақанинг янги босқичлари турибди. Меҳнат коллективларидаги ватанпарварлик руҳини мустаҳкамлаш, мусобақа қатнашчиларининг ташаббусларини қўллаб-қувватлаб, уларни ривожлантириш учун имкониятлар яратиш партия ташкилотларининг вазифасидир.

Партия ҳамма бўғинларда бошқарув савиясини ошириш, хўжалик механизмини яхшилаш, масъулиятни кучайтириш, ҳамма иш жойи ва участкаларида интизомни мустаҳкамлашга даъват этмоқда.

Республика Олий Совети ва маҳаллий Советларга зўр уюшқоқлик ва юксак сиёсий активлик билан бўлиб ўтган сайловлар Ватанимиз тараққиёти ва халқ фаровонлиги йўлида янги зафарларга руҳлантиради.

Областимиз меҳнаткашлари ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли адо этиш, экономика ва маданиятни янада юксалтириш йўлида ҳормай-толмай курашаверадилар.

МЕҲНАТ АҲЛИНИНГ БАХТ-САОДАТИ УЧУН

Ҳар бир совет кишисининг қалбида Ватан тушунчаси билан то абад пайваста бўлиб кетган Москва деган фахрли сўз планетанинг ҳамма тилларида тинчлик, меҳнат, бахт-саодат сўзлари билан бир қаторда янграмоқда. Бу сўз—бизнинг шонли ўтмишимиз, бугунги кунимиз, келажак тўғрисидаги ўйларимиздир. Бу сўз —халқларнинг тинчлиги ва дўстлиги учун курашчиларнинг, барча яхши ниятли кишиларнинг орзу-умиди ва суянган тогидир.

Пойтахтнинг қирмизи рангда товланаё тоғ кўчалари, майдонлари ва проспектлари эрта тонгдан яшариб кетгандек туюлади. Москвликлар юксак гражданлик бурчларини бажармоқ —РСФСР Олий Советига ва халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайловда қатнашмоқ учун 24 февралда байрам кайфияти билан, ўз меҳнат коллективларининг эришган муваффақиятлари учун ифтихор туйғулари билан сайлов участкаларига келдилар.

Халқ ҳокимиятининг байрами шонли сана — В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги арафасида ўтмоқда. Москвликлар буюк доҳийнинг пойтахт бутун мамлакатга мисол бўла олиши керак, деган васиятга содиқ турибдилар. Кўпгина яхши ишларнинг ташаббусчилари бўлган москвликлар Ленин юбилейини муносиб кутиб олмоқдалар.

Л. И. Брежнев Бауман округи сайловчиларининг сайловолди йиғилишида сўзлаган нутқида пойтахт меҳнаткашларининг меҳнат ғайрати ва сиёсий активлигига юксак баҳо берди. 1979 йилги Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг якунлари бўйича Москвага КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи берилди.

Ҳар беш йиллик, беш йилликнинг ҳар бир йили пойтахт картасида кўпдан-кўп излар қолдирмоқда. РСФСР Олий Советига бундан аввал ўтказилган сайловдан сўнг 17,7 миллион квадрат метр уй-жой битказиб топширилди, 700 га яқин маиший хизмат корхоналари, юзлаб мактаблар ва мактабгача болалар муассасалари қурилди. Метрополитен линияларининг узунлиги 20 километрдан зиёд ошди.

Бугун сайлов бюллетенларида Ватаннинг энг яхши фарзандлари, коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блоки муносиб вакилларининг номларини кўрамиз. Москвликлар КПСС ва Совет давлати раҳбарларини барча совет халқи сингари депутатликка биринчи номзодлар қилиб кўрсатдилар.

Пойтахтнинг Бауман сайлов округи. Бу ерда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев РСФСР Олий Советига овозга қўйилмоқда.

Пойтахт ўсиб улғаймоқда, кўркамлашиб бормоқда. Москвадаги энг кекса районлардан бири Бауман районида ҳам янги қурилишларнинг ҳавозаларида. Кейинги йиллардагина социал программани изчиллик билан амалга ошириш районда 56 минга яқин меҳнаткашнинг уй-жой шароитини яхшилашга имкон берди. Улар янги қурилган уйлар ва шинам квартиралар олдилар. Булар орасида аналитик ҳисоб машиналари заводида радиоаппаратларни созловчи С. Ф. Юдачевнинг оиласи ҳам бор.

Ветеран ишлаётган коллектив заводнинг кўпгина ходимлари, борингки, Юдачевнинг ўзи сингари урушни биринчи кунидан охирги кунигача босиб ўтган Леонид Ильич Брежневни депутатликка номзод қилиб кўрсатди. Собиқ солдатнинг жанговар мукофотлари қаторига III даражали Меҳнат Шуҳрати ордени ва «Ҳурмат Белгиси» ордени қўшилди. У билан бирга рафиқаси — маиший хизмат ходимаси Александра Андреевна ҳамда ота касбини мерос қилган ўғли Андрей ҳам овоз бермоқдалар.

— Улуғ Ленин ишининг содиқ давомчиси Леонид Ильич Брежнев учун зўр қувонч билан овоз бердик, — деди ТАСС мухбири билан суҳбатда завод ветерани. — Ҳаётимиз янада яхшироқ ва гўзалроқ бўлиб бормоқда.

Кўп минг кишилик коллективимиз ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун социалистик мусобақани кенг кўламда авж олдириб, беш йиллик топширигини 1 сентябргача бажаришга қарор қилди. Ўз сўзимизнинг устидан чиқмоқ учун ҳамма ишларни қиламиз.

Округ участкаларига келганларнинг кўплари сайловчиларнинг Кремлдаги съездлар саройида ўртоқ Л. И. Брежнев билан сайлов арафасида бўлиб ўтган учрашувида қатнашган кишилардир. И. П. Бардин номли қора металлургия марказий илмий-тадқиқот институтининг ходими техника фанлари доктори, Ленин мукофотининг лауреати А. Г. Шалимов Леонид Ильичнинг сайловолди нутқи жуда катта таассурот қолдирганлиги тўғрисида гапиради.

Институт коллективи 1979 йилги Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг якунлари бўйича пойтахтдаги 90 тадан кўп корхона ва ташкилотлар қаторида КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғига сазовор бўлди. Суҳбатда олим ўртоқ Брежневнинг нутқи барча совет кишиларининг фаолияти программасидир, деди.

— Партиямиз, шахсан Леонид Ильич Брежнев кескинликни юмшатишни мустаҳкамлаш билан боғлиқ ҳамма ишларни нақадар изчиллик билан ҳимоя қилиб келаётганликлари мени айниқса тўлқинлантириб юборди,— деб таъкидлайди у.

(Давоми 3-бетда).

ПАРТИЯ БИЛАН ХАЛҚ МОНОЛИТ БИРЛИГИНИНГ НАМОЙИШИ

Ҳар бир байрамнинг ўз завқи бор. Ўзбекистон ССР Олий Советига ва халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайлов куни ҳам алоҳида завқ бағишлайди. Булар 24 февраль арафасида меҳнат коллективларидан олинган минглаб сайловолди рапортларида ўз ифодасини топди. Бу рапортлар Ўзбекистон меҳнаткашларининг 1980 йилги ва умуман беш йиллик план ҳамда социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажаришга, Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб кутиб олишга қизғин интилаётганлигидан далолат бермоқда.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Москва шаҳар Бауман сайлов округи сайловчиларининг сайловолди йиғилишида сўзлаган нутқи республика меҳнаткашларининг ижодий кучига куч бағишлади. 80-йиллар коммунистик қурилишда янги муваффақиятлар йили, мустаҳкам тинчликни таъминлаш учун кураш ишида яна олга қараб қадам қўйиладиган йили бўлиши тўғрисида Леонид Ильичнинг умидворлик, комил ишонч билан айтган сўзлари совет халқини меҳнат зафарларига, партия XXV съезди белгилаб берган вазифаларни ҳеч сўзсиз бажаришга руҳлантиради.

24 февраль куни Ўзбекистон пойтахти тантанавор безатилган эди. Қизил байроқлар ҳилпираб турибди. Транспарантлар ва плакатларда «Ҳамма сайловга!» деб ёзилган.

Тошкентликлар, республика давлат ҳокимиятининг олий органига ва маҳаллий Советларига энг яхши ўғил ва қизларини сайладилар. Булар орасида илғор ишчилар, машҳур олимлар, маданият арбоблари, партия, совет, касаба союзлари, комсомол ходимлари бор. «Ташсельмаш» заводининг шонли коллективи маҳаллий Советларга ўзининг 17 номзодини кўрсатди.

Сельмаш сайлов округидан сайлов бюллетенларига «Ташсельмаш» заводининг пайвандчиси Маҳмуд Мўйдиновнинг номи ёзилган. У республика Олий Совети депутатлигига иккинчи марта сайланмоқда. Социалистик мусобақа пешқадами зарбдор меҳнат қилиш билан бирга катта жамоат ишларини бажармоқда. Заводнинг уй-жой биноларини мувaффақиятли қуришга ва шу корхонанинг цехларида меҳнат шароитини яхшилашга, илғор машинасозларнинг тажрибаларини оммалаштиришга ва пойтахтнинг Ҳамза районида йирик болалар комбинатини муддатидан илгари қуриб битказишда унинг катта ҳиссаси бор.

Тошкентни безатиб турган плакатлар ва транспарантларда оппоқ очилиб турган кўсаклар тасвирланган. Ўзбекистон пойтахти республика деҳқонлари беш йилликнинг якунловчи йилида 5 миллион 850 минг тонна «оқ олтин» етиштириш ва давлатга топшириш юзасидан олган мажбуриятларини бажариш иштиёқи билан тўлиб тошганлар. Тошкентликлар ҳозирнинг ўзидаёқ деҳқонларга пландан ташқари трактор ва пахта териш машиналари, металл конструкциялар ва насос қурилмалари юбордилар.

Қорақалпоғистон АССР сайловчилари аҳиллик билан овоз бердилар. Кўп коллективлар сайлов кунини меҳнатда катта муваффақиятлар билан кутиб олдилар.

Пойтахт областининг меҳнаткашлари Леонид Ильич Брежневнинг сайлов арафасида сўзлаган нутқидан, Тошкент чорвадорларига йўлланган табрикномасидан ғоят руҳланган ҳолда овоз бердилар. Бекободдаги электр пўлат қуйиш комбинати комплексида смена мастери И. Н. Спиридонов раҳбарлик қилаётган бригада смена ишини тугатиши биланоқ сайлов участкасига келди. Пўлат қуювчилар ўз мажбуриятларини бажарганликларидан фахрланган ҳолда сайлов қутилари ёнига келадилар. Коллектив сайлов кунини пландан ташқари металл қуйиш билан нишонлади.

Сайловолди меҳнат вахтаси Андижон диёрида кўпгина қувончли воқеалар билан нишонланди. «Электроаппарат» ва «Электродвигатель» заводларида янги қувватлаб ишга туширилди. Тикувчилар ва трикотажчилар анча хилма-хил маҳсулот ишлаб чиқардилар. Ип газлама комбинати ва Андижон сув омбори қурилиш майдонларида иш зарбдорларча олиб борилмоқда.

Пахтаобод сайлов округининг минг-минглаб меҳнаткашлари аҳиллик билан овоз бердилар. КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов республика Олий Советига шу округдан депутат қилиб рўйхатга олинди.

Қадимий Бухоро ва Самарқанд 24 февраль куни яна яшариб кетгандек бўлди. Бу шаҳарларнинг аҳолиси ўртасида янги уйларга кўчиб чиққан кишилар кўп. Сайлов участкаларининг ўзи янги мактаблар, клубларда жойлашган. Сайловчилар ўз гражданлик бурчларини адо этгандан кейин ҳам тарқалиб кетмадилар. Сайлов участкаларида кейинги йилларда совет кишиларининг ҳаётида бўлган ўзгаришлар тўғрисида, келажак режалари тўғрисида суҳбатлар давом этди. Кишилар коммунистик партия тўғрисида, унинг совет халқи фаровонлигини оширишга, ер юзида тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган доно ички ва ташқи сиёсати ҳақида ўртоқ Л. И. Брежневнинг Бауман сайлов округи сайловчилари ҳузурида сўзлатган нутқи тўғрисида самимият ва миннатдорчилик билан гапирдилар.

Фарғона водийси, Хоразм, Сурхондарё, Қарши ва Жиззах даштидаги барча шаҳар ва қишлоқларнинг меҳнаткашлари баланд руҳ билан овоз бердилар. Бу ерларда ҳозир партия билан халқнинг иродасига мувофиқ йирик пахтачилик зоналари барпо этилмоқда. Республикада қунинг биринчи ярмидаёқ сайловчиларнинг асосий кўпчилиги овоз бериб бўлди. Ўзбекистон меҳнаткашларининг юксак активлиги партия билан халқ бирлигининг монолит мустаҳкамлигини, совет демократиясининг тантанасини намойиш қилди. **(ЎзТАГ).**

Тошкент шаҳар Киров районидаги сайлов участкаларида Ўзбекистон ССР Олий Совети ва халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайловлар зўр уюшқоқлик билан ўтди.

Суратда: овоз бераётган ёшлардан бир группасини кўриб турибсиз. А. Тўраев фотоси.

МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИГА ШОН-ШАРАФЛАР

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА СОЮЗЛАРИ РЕСПУБЛИКА СОВЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети 1979 йилда ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш, Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат планини муваффақиятли бажариш учун олиб борилган республика социалистик мусобақасининг якунларини кўриб чиқдилар. Қабул қилинган қарорда таъкидланадики, Ўзбекистон меҳнаткашлари КПСС XXV съезднинг қарорларини бажариш учун курашда юксак сиёсий активлик ва меҳнат ғайратини жўш урдириб, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш учун социалистик мусобақани кенг авж олдирдилар, 1979 йилги план топшириқларини муваффақият билан бажардилар.

КПСС Марказий Комитетининг 1979 йилги ноябрь Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу пленумда сўзлаган нутқи, СССР Олий Совети иккинчи сессиясининг қарорлари меҳнатда ғайрат ва шижоатни янада кучайтирди. Мазкур ҳужжатларда партия билан халқнинг беш йиллик тўрт йили мобайнида қилган ишлари якунлаштирилган, иқтисодий ишлаб чиқаришни муттасил ва пропорционал ривожлантиришнинг, халқ хўжалиги барча бўғинларида ишнинг самарадорлиги ва сифатини оширишнинг конкрет йўллари кўрсатилган. Республика саноати маҳсулотни реализация қилиш йиллик планини 101,7 процент бажарди, пландан ташқари 220,7 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Республика саноатида меҳнат унумдорлиги юзасидан йиллик план 100,3 процент бажарилди. Олий сифат категориясидаги маҳсулотнинг салмоғи жами маҳсулот ҳажмида 7,7 процентни ташкил қилади, 1966 йилдаги Сифат белгисига сазовор бўлди.

Капитал қурилиш ишларида анчагина муваффақиятларга эришилди. Қарийб 70 та янги йирик саноат корхоналари ва ишлаб чиқариш, гидротехника иншоотлари, чорвачилик комплекслари ишга туширилди.

Транспорт, алоқа, савдо ва маиший хизмат корхоналари ҳамда ташкилотлари юксак социалистик мажбуриятларини бажардилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё, Хоразм областларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари ва дипломлари билан мукофотладилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Кўчма Қизил байроқлари ҳамда диплом ва пул мукофотлари билан қуйидаги шаҳарлар ва шаҳарлардаги районлар мукофотланди:

Андижон областидан — Андижон шаҳри
Жиззах областидан — Жиззах шаҳри
Қашқадарё областидан — Қарши шаҳри
Наманган областидан — Наманган шаҳри
Қорақалпоғистон АССРдан — Нукус шаҳри
Фарғона областидан — Қўқон шаҳри
Сирдарё областидан — Янгиер шаҳри
Сурхондарё областидан — Термиз шаҳри
Хоразм областидан — Урганч шаҳри
Тошкент областидан — Ангрен, Янгийўл шаҳарлари ва Тошкент шаҳрининг Ҳамза райони.

Қуйидаги коллективлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари ҳамда диплом ва пул мукофотлари билан тақдирландилар:

Ўзбекистон ССР геология министрлигининг геофизика ишлари билан шуғулланувчи «Ўзбекгеофизика» Ўзбекистон ишлаб чиқариш геология бирлашмаси;

Ўзбекистон ССР геология министрлигининг «Ўзбекгидрогеология» Ўзбекистон ишлаб чиқариш гидрогеология бирлашмаси;

Ўзбекистон ССР геология министрлигининг «Самарқандгеология» бирлашмасига қарашли Қизилқум геология-разведка экспедицияси;

Ўзбекистон ССР геология министрлигининг нефть ва газ конлари геологияси ва разведкаси институти;

Навоий кон-металлургия комбинати;

Ўзбекистон олтин қазиб чиқарувчи «Ўзбекзолото» ишлаб чиқариш бирлашмаси;

Ўзбекистон ССР энергетика ва электрлаштириш министрлигининг Қорақалпоғистон электр тармоқлари корхонаси.

(Давоми 3-бетда).

СОВЕТ ДЕМОКРАТИЯСИНИНГ ТАНТАНАСИ

ШОДИЁНА

РЕПОРТАЖ

Қишлоқ аҳли кеча эрта тонгдан. Ғира-шира тонгдан кўчалар кексаларнинг сарғайган гурунги, ёшларнинг қаҳқаҳаси билан файзга тўлди. Мусаффо ҳаво дилларга роҳат бағишлайди. Қор аралаш мудденкина шабада юз-кўзларни силаб эркалайди, у баъзан шўхроқ эсиб, радио карнайдан таралаётган куй-қўшиқларни бошқа узра парвоз эттиради. Бунақа пайтда кишининг қалби ўзгача тўлқинланади. Она-Ватанга садоқат, одамларга меҳр-муҳаббат ҳиссиётлари ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ жўш уради. Машҳур саркарда, Совет Иттифоқи Қаҳрамони генерал Собир Раҳимов номли колхоз меҳнаткашлари қалбида эса бу жўшқинлик янада кучли. Мана улар боқишлари мағрур, тик қоматли, кенг елкали, чеҳрасида мислсиз мардлик ва букилмас ирода туйғулари бўртиб турган ўзбек паҳлавонининг монументи ёнидан ўтиб, сайлов участкаси томон бормоқдалар.

Клуб пештоқида «Ҳамма сайловга!», «Коммунистлар ва партиясизлар блокининг жипслиги учун якдиллик билан овоз берайлик!», «КПССга шон-шарафлар!» деган шиорлар яққол кўзга ташланади.

Кўпдан бери орзиқиб кутилган ҳаяжонли онлар келди. Рўйхатчилар — А. Ҳамидов, С. Ажибоев, Р. Тоиров, Ш. Мақсудалиев, А. Султонов, А. Тошметовлар ўз жойларини олдилар. Колхоз партия ташкилотининг секретари Д. Каримжонова, 17-сайлов участкасининг секретари Р. Галламовалар уларга охирги кўрсатмаларини бермоқдалар.

Соат 6. Сайлов участкаси ва колхоз правлениесининг раиси Қўчқор Латипов қисқача нутқ сўзлаб, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга сайловларнинг бошланганлигини маълум қилади.

— Бу сайловларга колхозимиз улкан меҳнат ютуқлари билан келди,— дейди у.— Биргина ўтган йилнинг ўзида давлатга 1561 тонна картошка, 7435 тонна сабзавот, 520 тонна узум, салкам 14 тонна пилла топширилди. Гўшт, ут етиштириш, тухум, жун тайёрлаш план ва социалистик мажбуриятлари ортиғи билан бажарилди. Бугунги сайловтузуммизнинг ёрқин демократиясини яққол кўрсатиб турибди. Мен ҳаммани коммунистлар ва партиясизлар блоки учун якдиллик билан овоз беришга чақираман.

Хўжалик раҳбари ўз нутқида сайловдан сайловгача бўлган вақт ичида колхоз шон-шуҳрат музейи, 140 ўринли болалар боғчаси, кафе, маиший хизмат кўрсатиш павильонлари, поликлиника, касалхона қурилганлиги, колхоз ички йўллари асфальтланганлигини қайд қилиб ўтди ва буларнинг ҳаммаси депутатларнинг самарали ишлаётганлигидан далолат беради, деди.

Сайлов қутиси олдида колхоз ва Улуғ Ватан уруши ветерани Тўлаган Солибоев. Унинг йиллар из қолдирган чеҳрасида нур ўйнайди. Отахон ҳаяжон билан дил сўзларини баён этади:

— Болаларим, мен ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўрган одамман. Ешим ҳам 80 га қараб бормоқда. Ўзимнинг пирубадавлатлигимдан бехад севинаман. Биргина мен эмас, балки менинг тенгдошларим Азиз, Алмат, Хожиакбар, Худойберди, Аббос, Йўлчивойларнинг ҳам ҳаёти жуда файзли. Биз ҳаммамиз оддий колхозчилармиз. Уйжойимиз обод, рўзғоримиз бут, бола-чақаларнинг роҳатини кўриб яшамоқдамиз. Давлат бизни пенсия билан таъминлаган. Буларнинг ҳаммаси Советлар ҳукуматининг ғамхўрлигидан, партия раҳномалигидан. Бугун мен шунинг учун ҳам муносиб ўғил-қизларим учун бажонудил овоз бераман.

Биринчи бор овоз берастган Шоира Муҳамедова сўзини сайловчилар зўр қизиқиш билан тингладилар.

— Мен бугун жуда бахтиёрман,— дейди у,— чунки Совет Конституцияси яратган эркинликлар ва ҳуқуқлардан ҳамма қатори баҳрамандман. Давлатимиз ва жонажон партиямиз бизларга жуда катта қулайликлари яратиб берди. Бу йил мен бухгалтерлик техникумини тугаллаяпман. Ниятим ўз колхозимиз боғрига қайтиш. Ўйлайманки, бу орзу ҳам ушалади. Ана шундай кенг имкониятларга эга бўлганлигимдан зўр ифтихорга тўлиб овоз бераман. Бахтли турмушимиз учун партияга ташаккур.

Овоз бериш учун келаётганларнинг оқими тинмайди. Улар республикамизнинг юқори ва маҳаллий органларига кимларни сайлаётганликларини жуда яхши билишади. Суҳбат орасида колхознинг илғор бригада бошлиғи Неъматилла Илҳомов қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Мен 346-Собир Раҳимов сайлов округидан область Советига депутат қилиб сайланаётган Мирзамаҳмуд Мирзараҳмонович Мусаҳоновнинг таржимаи ҳоли билан танишиб чиқдим. Иш фаолиятини Тошкент тўқимачилик комбинатида оддий смена мастерлигидан бошлаган ўртоқ М. Мусаҳонов бугунги кунда СССР Олий Советининг депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари сифатида областимиз экономикаси ва маданиятини юксалтириш ишига катта ҳисса қўшиб келмоқда. Бу депутатимизнинг йўли оддий совет кишисининг камолот йўлини ёрқин кўрсатиб турибди. Биз колхозчилар халқимизнинг ана шундай муносиб вакили учун якдиллик билан овоз берамиз.

Маъпират Анварова шу колхоз фарзанди. У ўрта мактабни тугатгач, ўз ўрнини фермада деб билди. Дастлаб 15 бош сигирни парваришлади. Кейин яна уларнинг ёнига 10 тасини қўшди. Ўтган йили ҳар бир сигирдан 4200 килограммдан сут соғиб олди. Район Советининг депутати сифатида бузоқхона қурилишига ёрдам берди. Унинг ҳаракати туфайли чорвачилик комплекси табиий газ билан таъминланди. Бу жонкуяр, меҳнатсевар аёл район Советига иккинчи бор депутат қилиб сайланди.

Шу куни колхоз аҳли Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзоди кўрсатилган Ғуломмаҳмуд Абдуллаев, район Совети депутатлигига номзодлари кўрсатилган А. Султонов, Г. Ф. Зверев, А. Сайдалиев, Д. Мирзааҳмедова, З. Жалолова, М. Нормановалар учун ҳам ушоқлик билан овоз бердилар.

Шу куни бу округда сайловлар юксак байрамона руҳда ўтди. Сайловлар қувончи В. И. Ленин туғилган кунинг 110 йиллиги шарафига авж олган меҳнат кўтаринкилиги ва ўнинчи беш йилликни муваффақиятли якунлаш учун кураш руҳи билан уйғунлашиб, колхоз аҳлини янгиянги марралар сари даъват этди.

С. ҲАСАНОВ.

ЮКСАК АКТИВЛИКДА

Собир Раҳимов районидаги 33-сайлов участкасида Ўзбекистон ССР Олий Совети ва халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайловлар юксак сиёсий ҳамда меҳнат кўтаринкилиги руҳида ўтди. Бу участкага жалб этилган «Бирлик», «Намуна», «Ривож» маҳаллаларининг сайловчилари коммунистлар ва партиясизлар блокининг мустаҳкам жипслиги учун якдиллик билан овоз бердилар.

Эрталаб соат 6.00 да сайлов қутиси олдига келган 93 ёшли Акром ота Еқубжонов, биринчи бор сайлаётганлар М. Хакимов, М. Ғофурова, З. Баҳодировлар бу шодиёнада зўр қувонч ва ифтихор билан овоз берастганликларини қайд этдилар.

Сайловларнинг уюшқоқлик билан ўтишида участка раиси Бахтиёр Раҳимов, агитаторлардан Г. Каримов, М. Афандиева, М. Акбаровларнинг ҳиссаси катта бўлди.

М. ЗАРИПОВ.

Коммунистик районидаги «Правда» колхози меҳнаткашлари ҳар қачонгидек бу галги сайловларга ҳам пухта тайёргарлик билан келдилар. Хўжаликда оммавий-сиёсий ишлар уюшқоқлик билан йўлга қўйилди. Ҳар бир маҳаллада, аҳоли пунктида Совет сайлов системасининг демократик руҳи, халқ ҳокимияти органларига кўрсатилган вакилларнинг ҳаёт йўли ва меҳнат фаолияти кенг тушунтирилди. Агитаторлар олиб борган ишлар яхши натижа берди. Кеча бу колхоздаги ҳамма сайлов участкаларида овоз бериш юксак активликда ўтди. Суратда: колхознинг 12-сайлов участкасида овоз бериш пайти.

А. Мальцев фотоси.

ЧИН ЮРАКДАН

Халқимизнинг муносиб вакиллари орасида Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига сайланаётган «Қизил Ўзбекистон» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Меҳринисо Убайдуллаева, номзоди область Совети депутатлигига кўрсатилган, шу колхоз аъзоси Мавжуда Йўлдошева, район Совети депутатлиги учун овоз берилаётган хўжаликнинг илғор сут соғувчиси Ўрингул Ортиқбоева, ёш сабзавоткор Зарифа Исҳоқова, тарбиячи Тажинисо Жуманазарова ва бошқалар бор. Райондаги 9-ўрта мактабга жойлашган 23-сайлов участкасида сайловчилар ўзларининг номзодлари учун уюшқоқлик билан овоз беришди.

Сайлов куни ҳақиқий байрам, катта шодиёнага айланиб кетди. Тонг сахарданоқ бу ерда қувноқ музика садолари янграб турди. Сайловолди митингида сўзлаган участка сайлов комиссиясининг раиси Х. Тожиаҳмедов йиғилганларни бугунги шодиёна билан чин қалбдан кутлади. Биринчи бўлиб сайлов қутиси ёнига колхоз ветерانлари — 92 ёшли отахон Омон Иброҳимов, 80 ёшли Умархўжа Тўрахўжаевлар келадилар. Улар халқимиз бахт-саодати учун, дунёда барқарор тинчлик учун, коммунизм тантанаси учун овоз беришади.

Бу йил 18 ёшини қаршиларган Ўрта Осиё педиатрия институтининг 1 курс талабаси Ўлмас Умарова сайлов қутисига яқинлашар экан, қалбини фахрланиш туйғуси қамраб олди. Чунки, у биринчи марта овоз бераётир.

— Участкамизда 42 нафар ёш йигит-қиз бу йил биринчи марта овоз берадилар, — дейди сайлов комиссияси аъзоси Ғулом Зоитов.

Қўшни 21-сайлов участкасида ҳам авжи тантана. Бу ерда эрталаб соат 9 даёқ «Қизил Ўзбекистон» колхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Анвар Эгамназаров бошлиқ бригада коллективи биринчи бўлиб овоз бериб бўлдилар.

— Сабзавоткорларимиз сайловга катта тайёргарлик билан келишди, — дейди бригада бошлиғи. — Бугунгача 1 миллион дона сабзавот кўчати тайёрланди. 105 гектар майдонни экишга шайлаб қўйдик.

3-сайлов участкаси райондаги «Коммунист» колхозига жойлашган. Бўлиб ўтган митингда сўзга чиққан сут соғувчилар бригадаси бошлиғи Моҳира Шодмонхожиева йиғилганларга ўзларининг янги мажбуриятларини маълум қилди. Улар ўртоқ Л. И. Брежневнинг Тошкент области чорвадорларига йўллаган Мактубидан руҳланиб мавжуд 200 бош соғин сигирнинг ҳар биридан 3500 ўрнига 3800 килограммдан сут соғиб олишга қарор қилдилар.

Оржоникидзе районидаги ҳамма сайлов участкаларида овоз бериш зўр уюшқоқлик билан ўтди.

Р. ШЕРАЛИЕВ,
«Тошкент ҳақиқатининг махсус мухбири.

БИРДАМЛИК РУҲИДА

Бу тонг Калинин поселкасида ҳам ўзгача файз билан ёришди. Эрталабданоқ байрамдан дарак бераётгандек карнай-сурнайларнинг овози янгради. Кўп ўтмай район партия комитети биносининг шундайгина рўпарасида жойлашган 16-мактаб ҳовлиси кишилар билан гавжум бўлиб кетди. Алвон матодаги йўл кўрсаткичлари мўҳташам ва кенг зал ичкарисига бошлайди. Ҳар бир муюлишда Ленин комсомоли ёдгорлари — қизил галстукли пионерлар сайловчиларни кутлаб туришибди. Соат 6 да халқ ҳокимияти органларига сайловларга бағишланган тантанали митинг бўлиб ўтди. Уни 15-сайлов участкасининг раиси С. А. Аҳмедов очди.

Нотиқ район Совети депутатлигига номзоди кўрсатилган маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг тикувчи-бичиқчиси Мухтарам Ибрагимова, «Узбекгаз» тракторчиси Абдураҳмон Бойдуллаев, КГСП ишчиси Шарофат Муҳаммадалиева, болалар боғчасининг тарбиячиси Муҳаббат Исмоилова ва бошқаларнинг номларини фахр билан тилга олиб ўтди. Улар меҳнатга онгли муносабати, ташаббускорликлари туфайли шундай юксак ишончга сазовор бўлганлигини таъкидлади. Пировардида улар учун якдиллик билан овоз беришга чақирди.

Ҳаяжонли дамлар бошланди. Сайлов қутиси ёнига меҳнат ветерани Қодир ота Жўраев яқинлашди. У ҳозир 90 ёшни қаршилаяпти. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ коллективлаштириш ташкилотчиларидан бири бўлди. Колхоз тузумининг душманларига қарши аёвсиз курашлар, Улуғ Ватан уруши даридаги оғир меҳнат йилларининг гувоҳи. Ҳозир пирубадавлат. Чеккан захматларининг роҳатини кўрмоқда. Отахон ўз қалб туйғуларини шундай ифодалади.

— Азиз болаларим! Ҳозирги ҳур замонамиздек замон бўлган эмас. Халқ маъмур, дастурхон тўкин, юрт тинч. Партиямиз, халқимиз нимага азмойиш қилса, қўли етади. Бунинг ҳаммаси якдиллигимиз, ишимиз билан сўзимизнинг бирлиги, йўлимизнинг ҳаклиги туфайли. Сайланадиган ўғил-қизларимиз халқимизнинг бундан кейин ҳам оғирини енгил қилаверишига ишончим комил.

Қодир отанинг сафдошлари Муслим ота Пўлатов, Тожихон ая Алимова, Шоҳидхўжа ота Қосимовлар ҳам сайлов бюллетенларини қутига ташлаётиб илиқ сўзларини баён этишди. Агитпункт агитаторларидан Н. Н. Фёдорова, Т. Х. Домохўжаева, З. Маҳмудов сайловчиларга йўл-йўриқлар бериш ва зарур нарсаларни тушунтиришга ҳозир бўлиб туришибди.

Навбат биринчи марта овоз берувчиларга келди. «Партия XX съезди» колхозининг трактор чиси Расул Қурбонов 24 нафар тенгдошлари фикрини ифодалаб, қуйидагиларни айтди:

— Депутатлар учун овоз бериш ҳуқуқидан биринчи марта фойдаланаётганлигим билан жудаям фахрланаман. Шундай буюк мамлакатнинг граждани сифатида энди давлат бошқарувида ўз овозим, иштироким бор. Ҳамма гражданларга бир хилдаги кенг имтиёзлар берган Конституциямиз, партия ва халқимизнинг доно сиёсати, келгуси фаровонлик учун овоз бераман.

Рафиқ Ғозиев ҳам ёшларнинг меҳнат қилиш, илм олишлари, маданий ҳордиқ чиқаришлари учун ҳамма шарт-шароитлар мавжуд эканлигини маҳаллий мисоллар ёрдамида ифтихор билан тилга олиб, тенгқурларига уюшқоқлик билан овоз бериш ҳақида мурожаат қилди.

Кун пешиндан оққанда сайлов участкаси территориясидаги 2375 кишининг ҳаммаси халқ вакиллари учун овоз беришди. Сайловчилар Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказувчи 94-Калинин сайлов округидан шоира Зулфия Исроилова номзоди учун ҳам якдиллик билан тўлиқ овоз беришди. Калинин районининг бошқа сайлов участкаларида ҳам халқимизнинг муносиб фарзандлари учун ҳам якдиллик билан актив кўтаринкилик руҳида овоз берилди.

Б. АҲМАДЖОНОВ.

Суратларда: 346-Собир Раҳимов сайлов округидан овоз бераётган отахонлар меҳнат ветерانлари Азиз Зиёев ва Тўлаган Солибоевлар; Биринчи бор сайловда иштирок этаётган бу ёшлар учун кечаги кун чинакам катта байрамга айланди.

С. Хожиев фотолари.

ҚУВОНЧ БИЛАН

Киров районидаги 143-мактабга жойлашган 9-сайлов участкасига соат 6 бўлмасданоқ кекса ва ёш сайловчилар ҳела бошладилар. Улар кеча ўзларининг гражданлик бурчларини адо этиш — 8-Саноат сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган «Ўртоқ» кондитер фабрикасининг илғор ишчиси, коммунистик меҳнат зарбдори Г. Комилбекова, Тошкент шаҳар Совети депутатлигига номзоди рўйхатга олинган шофёр Б. Чирков, Киров район Совети депутатлигига номзод, район ижроия комитети раисининг ўринбосари А. Рогов, район молия бўлимининг мудири А. Нурмуҳамедов, «Малика» трикотаж бирлашмасининг илғор тўқувчиси П. Молева, Охунбоев номидаги республика медицина ўқув юртининг директор ўринбосари А. Мирҳўжаев ўртоқлар учун овоз беришга келганлар.

Биринчи бўлиб сайлов қутиси ёнига Қаҳрамон она Робияхон Ражабова яқинлашди. У овоз берар экан шундай деди:

— Жонажон партиямиз ва ҳукуматимизнинг доно сиёсати туфайли мамлакатимизда бахтли болалик таъмин этилган. Ҳеч қачон юртимиз осмонида булут бўлмасин. Тинчлик, осойишталик қарор топсин.

Табаррук онадан сўнг Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳузуридаги билим юртида таълим олаётган Ҳасан ва Ҳусан Муродовлар овоз беришди...

Сайлов участкасида анчагача район маданият уйи ҳаваскорлари ижросидаги дилрабо қўшиқлар, ёқимли куйлар янграб турди.

Н. ТИЛЛАЕВА.

Бу масканга келаётганларнинг чеҳрасида табассум, кўзларида порлоқ нур жилоланади. Кўркам маданият саройи уларнинг жўшқин суҳбатларидан ўзгача файзга кирган. Кошона залларига «Агрегат» заводи коллективининг 1979 йилда эришган ютуқларини ва бу йилги режаларини ифодаловчи стендлар қўйилган. Оркестрнинг ўйноқи куйлари қиши кайфиятини янада чоғ этади.

Бу тантанани дастлаб завод ветерانлари бошлаб бердилар. Биринчилар қаторида сайлов қутиси олдига келган Александр Борисович Куржнер бюллетенни қутига ташлар экан, бундай деди:

— Ҳурматли сайловчилар бугун сизлар каби мен ҳам ўзимни жуда бахтли ҳис этяпман. Чунки кундан-кунга яшнаб бораётган социалистик мамлакатда тинчфаровон ҳаёт кечирмоқдамиз. Мен бу заводда ишни ёш болалигимданоқ бошлаганман. Очиғини айтсам аввалларидастҳоҳга бўйим етмасди. Оёқларим тагига яшчик қўйиб ишлаган чоғларимни эслайман. Ундан кейин Улуғ Ватан урушининг суронли онларида Ватанимиз мудофаасига ҳисса қўшганлигим билан фахрланаман. Бугун турмушимизда қандай афзалликларга эришган бўлсак, бу жонажон партиямиз, совет ҳукумати яъни ана шу ҳукуматни бошқаришда актив иштирок этаётган депутатлар меҳнати самарасидир. Мен халқимизнинг ишончли ва ўз бурчини келажакда шараф билан оқлайдиган ўғил-қизлари учун бажонудил овоз бераман.

Ундан кейин сайлов қутисига бюллетенларни ташлаган И. Маҳмудов, В. Н. Несмеянов сингари ветерانлар ҳам бугунги гўзал ҳаётдан миннатдор эканликларини баён этдилар. Бу сайлов участкасида Ўзбекистон ССР Олий Советига ва халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайловлар зўр уюшқоқлик билан ўтди.

А. ҒУЛОМОВ.

МУНОСИБ ФАРЗАНДЛАР УЧУН

ТРАКТОРСОЗЛАР ОВОЗИ

— Совет сайлов системаси — демократиямиз кўзгуси, деган ажойиб гапни кўп бор эшитганмиз, — дейди Тошкент трактор заводи 4-цехи слесарлар бригадасининг бошлиғи Николай Сёмкин, — чиндан ҳам шундай. Мен бу жумлани ўз тақдирим мисолида шарҳлаб бермоқчиман. Оиламизни тракторсозлар сулоласи деса ҳам бўлади. Отам Георгий Илларионович Сёмкин йигирма саккиз йил шу корхонада меҳнат қилган. Оддий бир ишчининг ўғли сифатида мен ўз ҳаётимдан, партия ва ҳукуматимиз ғамхўрлигидан минг чандон мамнунман. Ўрта техника маълумотига эгаман. Завод менга ажойиб икки хонали квартира берди. Икки фарзандим бор. Уларнинг бири мактабга, иккинчиси болалар боғчасига қатнайди. Рафиқам Татьяна мазкур заводда медицина ҳамшираси бўлиб ишлайди. Бир киши учун қандай қулайликлар лозим бўлса, ҳаммаси муҳайё. Бунинг учун жонажон Коммунистик партиямиз ва Совет давлатимизга раҳмат айтмай бўладими?!

...Ҳа, тракторсозлар овоз бераётган пойтахтимиздаги 18-сайлов округининг барча участкаларида якшанба куни эрталаб тонг отмасданоқ байрам шукуҳи ҳукм сурди.

...Мана, 49-сайлов участкаси. Соат 10. Музика садолари янграб турипти. Кети узилмаётган одамлар оқими ланг очиқ дарбозадан сайлов қутилари олдига йўл олмоқдалар. Ишчилар, ўқитувчилар, врачлар, фабрика чеварлари, қурувчилар овоз бермоқдалар.

— Эрталаб роппа-роса олтида сайловни бошладик, — дейди сайлов участкаси раиси Т. Ўтепов, — мана ҳозиргача 3622 сайловчидан икки мингга яқини ўзларининг гражданлик бурчларини адо этиб бўлдилар. Биринчи бўлиб сайлов қутиси олдига келган, ҳаётида биринчи марта сайлов ҳуқуқидан фойдаланаётган ТИИИМСХ талибаси Гулнора Султонова, меҳнат ветерانлари Р. Асанов, М. Гайфутдинов, М. Қосимовалар ҳамманинг фикрини ифодалаб коммунизм учун, келажак учун, барқарор тинчлик учун овоз берамиз, дейишди.

...Ҳамма сайлов участкаларида сайловчилар учун барча қулайликлар яратиб берилди.

— Бизнинг 14-сайлов участкамизга ташриф буюрганлар 22-магазин сотувчиларининг хизматидан мамнун бўлмоқдалар, — деди сайлов участкаси раиси С. Шамсутдинов.

Умумхалқ шодиёнаси тобора авжига миниб борди. Куйбишев районидаги 44, 46, 49, 51-сайлов участкаларида Республика Олий Совети, шаҳар ҳамда район Советлари депутатлигига номзодлари қўйилган халқ вакиллари учун куннинг биринчи ярмидаёқ деярли барча сайловчилар овоз бериб бўлдилар.

У. РАҲИМОВ.

ЯКДИЛЛИК КЎРСАТИБ

Коммунистик районидаги «Политотдел» колхозининг маданият саройига жойлашган 4-сайлов участкасидамиз. Эрта тонгданоқ қишлоқ аҳолиси саф-саф бўлиб агитпункт томон кела бошлади. Ҳамманинг чеҳрасида табассум, дилларида байрам қувончи. Ёшу-қари бир-бирларини умумхалқ байрами билан табриклайди, ўзларининг севимли номзодлари учун овоз беришга ошиқадилар. Улар орасида пахтакорлар, чорвадорлар, олимлар, ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаётган ҳурматли муаллим ва студентлар бор.

Овоз бериш бошланди. Сайлов қутиси олдига биринчи бўлиб ёши 80 дан ошган Марина Коғай яқинлашдилар. У қўлига сайлов бюллетенини олар экан, ўз қувончини қуйидагича ифодалади:

— Бугун биз бу ерга халқимизнинг асл фарзандлари учун овоз беришга йиғилганмиз. Мен Ўзбекистон ССРда пахтачиликни комплекс ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган моҳир пахтакор, колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ман-Гим Хван Григорьевич ҳамда қизим Полина Тимофеевна Хванлар учун овоз берарканман, улар улуғ Советлар диёри равнақи йўлида бундан буён ҳам сидқидилдан хизмат қилиб, ўзларига билдирилган юксак ишончни оқлашларига ишонаман.

Сайлов қутиси ёнига Раҳима Бўронбоева келади:

— Мен халқимизнинг чин фарзандлари учун биринчи марта овоз бермоқдаман,— дейди у. — Бу билан ўзимнинг ғоят бахтиёр ҳисоблайман. Шу қутлуғ кунда колхозимизга КПСС, Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи берилганлиги ҳаммамизнинг дилимизни қуёшдек ёритиб юборди. Бунинг учун партия ва ҳукуматимизга минг-минг раҳматлар айтаман.

Шундан сўнг ҳамма бирдамлик билан музика садолари остида овоз беришга киришди. Байрам нашидаси атрофни тутиб кетди.

Соат миллари 11 га яқинлашганда сайлов участкасига қарашли 2500 нафарга яқин кишининг ҳаммаси овоз бериб бўлганди.

А. ФОЗИЛОВ.

МЕҲНАТ АҲЛИНИНГ БАХТ-САОДАТИ УЧУН

(Боши 1-бетда)

Мамлакатимиз ленинча тинчликсевар ташқи сиёсий йўлни тинчлик душманларининг кирдикорликларига қарши қўймоқда. Бу йўл принципиаллиги, сўзга содиқлиги, изчил тинчликсеварлики агрессияга қарши қаттиқ зарба бериш билан бирга қўшиб олиб бориши билан ажралиб туради.

...23-сайлов участкасининг биноси гавжум. 346-мактаб директори Л. И. Караулова бир вақтлар Бауман районида ҳаётга йўлланма олган, бугун эса балоғатга етган болалари билан бирга овоз бериш учун келганлар билан суҳбатлашиб турибди.

— Партия ва ҳукуматнинг ёш авлод тўғрисидаги катта ғамхўрлиги ва диққат-эътибори биз педагогларга айниқса яхши кўриниб туради,— дейди Лидия Ивановна.— Ёшларни тарбиялаш ҳақиқатда умумпартиявий, умумхалқ ишидир. Қувноқ ва бахтиёр болалик ва ёшлик совет турмуш тарзи афзалликларининг энг ёрқин далилларидан эмасми. Совет кишисининг юксак маънавий принципларини қарор топтириш учун курашда мактабнинг роли, ёшларнинг коммунистик дунёқарашларини шакллантириш учун унинг масъулияти ошиб бормоқда.

Эрталаб Москвадаги 2-соат заводининг мастери Л. А. Комардинова Фрунзе район сайлов округи 9-сайлов участкасига келди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин мана шу сайлов округидан республика Давлат ҳокимиятининг Олий органига овоз эди, ҳозир бўлса цехда биринчи бўлиб олди. Уни етказиб олиш учун ўзим ўқидим ва кадр ходимлар билан бирга ёшларга ўргатдим. Коммунистлар сурункасига тўрт йилдан бери менга юксак ишонч кўрсатиб, цех партия ташкилотининг секретари қилиб сайламоқдалар. Корхона меҳнаткашларининг бошқа 300 ойлаги қаторида менинг ойлам ҳам янги уйга кўчиб ўтди. Шундай бўлсада, Ленин ордени билан мукофотланган куним энг эсдалик кун бўлиб қолди. Яна бир янгилик шуки, кичик қизим билан бирга Анападаги санаторийлардан бирида ҳордиқ чиқардим. Иккинчи сафар катта қизим билан Болгарияда дам олдим. Ишчиларимизнинг катта группаси болалари билан бирга у ерга бориб келишди.

Людмила Андреевна ўз заводи тўғрисида кўп ҳикоя қилиб бера олади. У бу ерда чорак асрдан бери ишлаб келмоқда. Мамлакат соат саноатининг тўнгич корхонасини ҳозир таниб бўлмайди. Ёруғ ва кенг корпуслар, цехларда кондиционланган ҳаво, кўпдан-кўп автомат машина-ускуналар бор.

Завод коллективи асосан хотин-қизлардан иборат. Бу ерда меҳнат шароитини яхшилай бориб, кишини зериктирадиган бир хилда бажариладиган йиғув конвейерларидан воз кечишди, мажбурий гимнастик тинимлар жорий этилди, цехларда музика оҳиста янграб туради. Врачлар ишчиларнинг соғлиғини диққат билан кузатиб борадилар. Заводнинг Москва областида ва Қора денгиз соҳилида ўз ҳордиқ базалари бор.

Ҳамма нарса инсон учун, халқнинг фаровонлиги учун, —партия фаолиятининг чуқур моҳияти, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантириш комплекс программасининг асосий мақсади ана шунга қаратилган. Ҳаётимиздаги ҳар бир янги кун шундан яққол далолат бермоқда.

Экономиканиг ўсиши, совет кишилари фаровонлигининг юксалиши социалистик демократияни янада ривожлантириш билан чамбарчас боғланган. Сайловчиларнинг наказлари бунинг ёрқин ифодасидир. Меҳнат аҳлининг ўз давлати ишлари тўғрисида, жамоат манфаатлари тўғрисида қайғуриши мана шу наказларда ифодаланган.

Беш йиллик бошидан бери Куйбишев сайлов округида сайловчиларнинг наказлари билан юзлаб янги қурилишлар битказилди. Бу ерда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. У. Черненко овозга қўйилмоқда.

— «Хроматрон» ишчиларининг ҳар бир оиласи алоҳида шинам квартирага эга, — дейди завод созловчиси, партия комитетининг аъзоси В. А. Басов.— Ҳозир сайловчиларнинг наказларига биноан бизнинг «МЭЛЗ» бирлашмамиз меҳнаткашлари учун катта уй-жой комплекси қурилмоқда. Бу комплексда маданият саройи, маиший хизмат уйи, спорт объектлари, мактаб, болалар боғчаси бўлади.

Владимир Алексеевичнинг рафиқаси — Людмила Ивановна гапга аралашди. У «Хроматрон»нинг монтажчисидир.

— Шундай ғамхўрликни кўриб кишининг янада яхшироқ ишлагиси келади. Ўртоқ Брежневнинг пойтахт Бауман округи сайловчилари ҳузурида сўзлаган чуқур, ёрқин нутқи эришилган ютуқлар билан ҳотиржам бўлиб қолмасликка чорлайди, олга янада тез, янада муваффақиятли ҳаракат қилиш иштиёқини бағишлайди. Корхонамизнинг коллективи беш йиллик планни В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигигача бажаришга қарор қилди. Бу сўзнинг устидан чиқамиз! Шонли санагача москваликлардан 300 мингдан ортиқ киши шахсий беш йиллик планларини бажаришга қарор қилди, П. П. Шчербаков номли шойи комбинатининг тўқувчиси СССР давлат мукофотининг лауреати В. А. Боброва йил охиригача учта беш йиллик топшириқни бажаради.

— КПСС ва Совет давлатининг асосчиси, халқаро ишчилар синфининг доҳийси ва устози туғилган кунининг шонли санаси — барча меҳнат аҳлининг байрамидир, дейди тўқимачи.

Партия беш йилликнинг якунловчи йилини ленинчасига ишлаш йилига айлантирайлик, деб даъват этди. Москвадаги ишлаб чиқариш илғорларидан 60 мингдан кўпроқ киши беш йиллик топшириқларини бажариб бўлди. Бунар орасида «Компрессор» заводининг токари Е. А. Волхонский ҳам бўлиб, у Вешняки сайлов округининг 124-сайлов участкасида овоз берди. Бу ерда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин РСФСР Олий Советига овозга қўйилди.

— Жонажон пойтахтнинг эришган муваффақиятлари қалбларимизни янада қувонча тўлдиради, — деди меҳнат ветерани.— Бу муваффақиятлар шаҳар партия ташкилотининг раҳбарлигида москваликлар фидокорона ишининг натижасидир. Ҳар бир меҳнат коллективи ленинчасига зарбдор ишлаш ниятлари билан яшамоқда. Ҳозир биз коммунистик шанбаликка тараддуд кўраяпмиз. Корхонамизда бу шанбаликда 3 мингдан ошиқ киши қатнашиб, 208 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаради. Пойтахт меҳнаткашлари 19 апрели меҳнатда энг юқори иш унуми билан нишонлашларига аминман.

Шанбаликлардан тушган маблағлар асосан аҳолига хизмат кўрсатиш билан алоқадор объектларни қуришга сарфланади. Шу беш йиллиннинг ўзидагина Москвада еттита касалхона ва касалхона корпуслари, олтита поликлиника, 21 та мактабгача болалар муассасалари қурилди, бошқа бир қанча муҳим объектлар барпо этилмоқда. 1979 йил 21 апрелда ўтказилган Бутуниттифоқ коммунистик шанбаликдан тушган маблағнинг 75 проценти Хитойнинг вахшёна агрессиясидан зарар кўрган қардош Вьетнам учун ёрдам фондига юборилди.

— Барча совет кишилари синғари мен ҳам ер юзида тинчлик учун, болаларимнинг бахтиёр келажаги учун овоз бердим, деди «Компрессор» заводининг нормаловчи инженери В. П. Моисеева.

Ленин партиясининг доно ташқи сиёсий йўли туфайли совет халқи мана қарийб 35 йилдан бери тинч осмон остида яшамоқда.

— Бу — КПСС ва Совет давлатининг тарихий ғалабасидир,— дейди истеъфодаги майор Е. А. Жигуленко.

Совет Иттифоқи Қаҳрамони Евгения Андреевна уруш йилларида хотин-қизлар авиация полки составида 968 марта тунги жанговар учиш қилди. Салск даштларида, Кичик ерда, Донбасс, Қрим, Белоруссия, Польша ва Пруссияда учувчи хотин-қизларнинг бомба зарбларига дучор бўлган фашист босқинчилар уларни «тунги ялмоғизлар» деб айтишарди. Ҳозир кинорежиссёр Е. А. Жигуленко ёш учувчилар тўғрисидаги бадиий фильм устида иш бошлаб юборди. Бу қизларнинг қўллари қаёт, оналик нашидасини ҳали суриб улгурмаганди.

— Шу туфайли учувчилар учун энг гўзал осмон тинч осмондир,— дейди истеъфодаги майор аёл. Шунинг учун ҳам урушнинг асосий оғирлигини кўтарган совет кишилари тинчлик, халқаро кескинликни юмшатиш ишини мустаҳкамлаш йўлини изчиллик билан амалга ошириб бораётган КПССдан ғоятда миннатдордирлар.

Катта авлоднинг, шонли анъаналари ворисларининг ишончли қўлларида давом эттирилмоқда.

Красная Преснядаги 28-сайлов участкаси ёнида партия ва комсомол ветерани, 20-йиллардаги Моссовет депутати А. Н. Грамп бир гуруҳ ёшлар билан суҳбатлашиб турибди.

— Сайловда кўп марта қатнашган бўлсамда, ҳамиша алоҳида ифтихор туйғулари билан тўлқиниб овоз бераман,— дейди Александр Николаевич — халқимиз қаҳрамонона курашда ҳақиқий халқ ҳокимиятини сайлаш буюк ҳуқуқини қўлга киритди. Биздан сал нарида ёш революционер қизлар М. Козирева ва А. Бикова жасорат кўрсатган жой турибди. Улар 1905 йилнинг декабрида ишчилар намойишининг олдида Қизил байроқ кўтариб бориб казакларга дадил рўпара келдилар ва уларни чекинишга мажбур қилдилар. Шу жасорат ва қаҳрамонлик намуналари пролетариат ва онгида абадий акс эттириб қолдирилмоғи лозим, деб ёзган эди В. И. Ленин.

Довюрак революционер қизлар тенгдошларининг меҳнат зафарларида замонларнинг пайвасталиги, авлодларнинг ўринбосарлиги кўринади. Ёш москваликлардан 11 мингдан кўпроқ киши сайловгача шахсий беш йиллик топшириқларини бажариб бўлди, 55 мингдан ортиқ йигит-қиз Ленин байрамигача ана шу маррага чиқишни мўлжаллаб қўйди.

— Партия ва ҳукумат биз ёшларга хўжалик ва маданий қурилишнинг зарбдор участкаларини ишониб топширмоқда, дейди «Памяти революции 1905 года» электр машинасозлик заводининг йиғувчи слесари А. Константинов.— Маҳаллий Советларга сайланган ҳар уч кишининг бири ёшлар вакилидир. Тенгқурларим шу ишончни шараф билан оқламоқдалар. Советлар мамлакатининг граждани деган юксак номга муносиб бўладилар.

...Бу йил олимпиада-80нинг пойтахти бўлмиш Москва азалдан меҳмондўстлиги билан шуҳрат қозонган. У 10 мингдаб спортчилар, тренерлар, судьялар, туристларни қабул қилиши керак.

Олимпиада-80 ни ўтказиш учун ҳозирнинг ўзидаёқ асосан ҳамма нарса тайёр. Олимпиада объектларининг кўпчилиги ишга тушириб юборилди. Улар замонавий спорт-техника асбоб-ускуналари билан ғоят аниқ ишлайдиган судья — информацион аппаратлари билан жиҳозланган.

Ленин районидаги сайлов участкаларидан бирида бинокор С. Л. Орлов овоз берди.

— Бригадамиз Лужниккидаги кўпгина ремонт профилактика ишларида қатнашди,— деди у.— Олимпиада — дўстлик, гўзаллик, мардлик, ирода байрами. Биз москвалик бинокорлар олимпиада ўйинларига хуш келибсиз, деймиз!

Москваликлар барча совет кишилари синғари келажакка осойишталик билан дадил қарамоқдалар. Социалистик турмуш тарзи, идеологиямиз тарихий умидворлик руҳи билан йўғрилган. Вақт бизнинг фойдамизга ишлаяпти. Келажак бизларникидир.

А. БЕЛИКОВ, Ю. БЕРСЕНЕВ, В. КУЛИКОВ, О. МОСКОВСКИЙ, И. НОВИКОВ, А. СИВЦОВ, К. ШЧЕГЛОВ.
ТАСС махсус мухбирлари.

МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИГА ШОН-ШАРАФЛАР

(Боши 1-бетда)

Ўзбекистон ССР энергетика ва электрлаштириш министрлигининг Андижон электр тармоқлари корхонаси;
Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлигининг «Ўзэнергосбит» энергия назорати ва энергия реализация қилувчи ишлаб чиқариш бошқармаси;
Ўзбекистон ССР энергетика ва электрлаштириш министрлигининг 2-«Ўзсельэлектрострой» трестига қарашли 7-механизациялаштирилган колоннаси;
Ўзбекистон ССР енгил саноат министрлигининг Андижон пойафзал фабрикаси;
Ўзбекистон ССР енгил саноат министрлигининг Самарқанддаги «8 Март» номли тикувчилик фабрикаси;
Ўзбекистон ССР енгил саноат министрлигининг Тельман номли Бухоро трикотаж фабрикаси;
Ўзбекистон ССР енгил саноат министрлигининг Тошкент чинни заводи;
Ўзбекистон ССР енгил саноат министрлигининг Маргилондаги «Атлас» аврли газламалар ишлаб чиқариш бирлашмаси;
Ўзбекистон ССР енгил саноат министрлигининг Намангандаги «Пятилетка» нотўқима материаллар фабрикаси;
Ўзбекистон ССР пахта тозалаш саноати министрлигининг Қўқондаги 2-пахта тозалаш заводи;
Ўзбекистон ССР пахта тозалаш саноати министрлигининг Мангит пахта тозалаш заводи;
Ўзбекистон ССР пахта тозалаш саноати министрлигининг Жарқўрғон пахта тозалаш заводи;
Ўзбекистон ССР пахта тозалаш саноати министрлигининг Москва пахта тозалаш заводи;
Ўзбекистон ССР пахта тозалаш саноати министрлигининг Гул луб заводи;
Ўзбекистон ССР пахта тозалаш саноати министрлигининг Ғузор пахта тозалаш заводи;
Ўзбекистон ССР озиқ-овқат саноати министрлигининг Самарқанд нон комбинати;
Ўзбекистон ССР озиқ-овқат саноати министрлигининг Янгийўлдаги «Лаззат» кондитер ишлаб чиқариш бирлашмаси;
Ўзбекистон ССР озиқ-овқат саноати министрлигининг Тошкент «Ўртоқ» кондитер фабрикаси;
Ўзбекистон ССР озиқ-овқат саноати министрлигининг Олмалиқ пиво заводи;
Ўзбекистон ССР озиқ-овқат саноати министрлигининг «Самаркандтабакфермпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси;
Ўзбекистон ССР гўшт ва сут саноати министрлигининг гўшт саноати Тошкент ишлаб чиқариш бирлашмаси;
Ўзбекистон ССР гўшт ва сут саноати министрлигининг Хўжайли гўшт комбинати;
Ўзбекистон ССР гўшт ва сут саноати министрлигининг Қўқон сут заводи;
Ўзбекистон ССР гўшт ва сут саноати министрлигининг Урганч сут заводи;
Тошкент шаҳар ижроия комитети маҳаллий саноат бошқармасининг «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси;
Самарқанд область ижроия комитети маҳаллий саноат бошқармасининг Ургут тўқувчилик фабрикаси;
Фарғона область ижроия комитети маҳаллий саноат бошқармасининг Қува тикувчилик фабрикаси;
Наманган область ижроия комитети маҳаллий саноат бошқармасининг Косонсой шойи тўқиш ишлаб чиқариш бирлашмаси;
Қорақалпоғистон АССР маҳаллий саноат министрлигининг Хўжайлигидаги «Комсомол 40 йиллиги» тикувчилик фабрикаси;
Андижон область ижроия комитети маҳаллий саноат бошқармасининг Ильич тўқимачилик галантерея фабрикаси;
«Узплодоовошчвинпром»нинг Бухоро вино заводи;
«Узплодоовошчвинпром»нинг Қўқон вино заводи;
«Узплодоовошчвинпром»нинг Самарқанд спирт-ароқ заводи;
Ўзбекистон ССР мебель ва ёғочсозлик саноати министрлигининг Бухоро мебель фабрикаси;
Ўзбекистон ССР мебель ва ёғочсозлик саноати министрлигининг Қува мебель фабрикаси;
Ўзбекистон ССР балиқ хўжалиги Давлат комитетининг балиқ саноати Мўйноқ ишлаб чиқариш бирлашмаси;
Қорақалпоғистон балиқчилик колхозлар союзининг Партия XXII съезди номли балиқ овлаш колхози;
Ўзбекистон ССР бинокорлик материаллари саноати министрлигининг Тошкент бинокорлик материаллари комбинати;
Ўзбекистон ССР бинокорлик материаллари саноати министрлигининг Қувасойдаги 14-гишт заводи бошқармаси;
Ўзбекистон ССР бинокорлик материаллари саноати министрлигининг Ангрен бинокорлик материаллари комбинати;
Ўзбекистон ССР бинокорлик материаллари саноати министрлигининг Оҳангарон «Стройпластмасс» комбинати;
Ўзбекистон ССР қурилиш министрлигининг «Ҳурмат Белгиси» орденли «Ўзбекшахтострой» трести;
Ўзбекистон ССР қурилиш министрлигининг «Тоштракторострой» трести;
Ўзбекистон ССР қурилиш министрлигининг 13-трести;
Ўзбекистон ССР қурилиш министрлигининг КПСС XXV съезди номли йирик панелли уйсозлик заводи бўлган Фарғона уйсозлик комбинати;
Ўзбекистон ССР қурилиш министрлигининг Тошкент экспериментал механика заводи;
Ўзбекистон ССР қурилиш министрлигининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Алмаликсвинцестрой» трестига қарашли 345-механизациялаштирилган кўчма колоннаси;
Ўзбекистон ССР қишлоқ қурилиши министрлигининг 11-трести;
Ўзбекистон ССР қишлоқ қурилиши министрлигининг ихтисослаштирилган «Ўзсельэлектромонтаж» трести;
Ўзбекистон ССР қишлоқ қурилиши министрлигининг 2-«Ўзсельавтотрести»;
Ўзбекистон ССР қишлоқ қурилиши министрлигининг 23-трестига қарашли 3-механизациялаштирилган кўчма колоннаси;
Ўзбекистон ССР монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигининг «Узпромвентиляция» трести;
Ўзбекистон ССР монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигининг Олмалиқ тажриба экспериментал металл конструкциялар заводи;
Ўзбекистон ССР монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигининг «Средазтепломонтаж» трестига қарашли «Тепломонтаж» қурилиш-монтаж бошқармаси;
Ўзбекистон ССР монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигининг ихтисослаштирилган «Ўзэлектромонтаж» трестига қарашли Чирчиқ монтаж бошқармаси;
Главташкентстройнинг «Таштрансспецстрой» трести;
Главташкентстройнинг «Строймеханизация» трести;
Главташкентстройнинг транспорт-ишлаб чиқариш бошқармаси;
Главташкентстройнинг 1-ёғочни қайта ишлаш заводи;
«Ташметрострой» трести;
Узколхозстройнинг колхозларда қурилиш ишлари билан шуғулланувчи Тошкент область трести;
Узколхозстройнинг қодхозларда қурилиш ишлари билан шуғулланувчи Наманган область трести;
Узколхозстройнинг колхозларда қурилиш ишлари билан шуғулланувчи Жиззах область трести;
Узколхозстройнинг республика 2-«Узколхозспецстрой» махсус ишлар трести;
Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг «Бухарирстрой» трести;
Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг «Эскиангарканалстрой» трести;
Ўзбекистон ССР сув хўжалиги қурилиши бош бошқармасининг «Қашқадарьяводстрой» трести;
Ўзбекистон ССР коммунал хўжалиги министрлигининг Қорақалпоғистон ремонт қурилиш трести;
Ўзбекистон ССР коммунал хўжалиги министрлигининг «Ферганакоммунтеплоэнерго» корхонаси;
Ўзбекистон ССР коммунал хўжалиги министрлигининг «Водоканал» Хоразм бошқармаси;
Ўзбекистон ССР коммунал хўжалиги министрлигининг «Водоканал» Андижон бошқармаси;
Тошкент шаҳар ижроия комитети ободонлаштириш бош бошқармасининг манзарали боғбончилик совхози;
Тошкент шаҳар ижроия комитети ободонлаштириш бош бошқармасининг ихтисослаштирилган йўл-эксплуатация трести;
Ўзбекистон ССР автомобиль транспорти министрлигининг марказлаштирилган юк ташиш Тошкент шаҳар автомобиль трести;
Ўзбекистон ССР автомобиль транспорти министрлигининг Тошкент шаҳар пассажир автотранспорти бош ишлаб чиқариш бошқармаси;
Ўзбекистон ССР автомобиль транспорти министрлигининг Намангандаги 2523-автоколоннаси;
Ўзбекистон ССР автомобиль транспорти министрлигининг Тошлоқ автобус-таксомотор парки;
Ўзбекистон ССР автомобиль транспорти министрлигининг Фарҳоддаги 71-автомобиль корхонаси;
Қорақалпоғистон АССР автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш министрлигининг Қорақалпоғистон йўл қурилиш трести;
Ўзбекистон ССР автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш министрлигининг Зарафшондаги 2-йўл-эксплуатация участкаси;
Ўзбекистон ССР автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш министрлигининг 32-кўприк қурилиш бошқармаси;
Ўзбекистон ССР автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш министрлигига қарашли 6-қурилиш монтаж бошқармаси Фарғона асфальт-бетон ва норуда материаллар заводи;
Ўзбекистон ССР алоқа министрлигининг Тошкент Марказий телеграфи;
Ўзбекистон ССР алоқа министрлигининг Тошкент область алоқа ишлаб чиқариш-техника бошқармаси;
Қашқадарё область ижроия комитетининг аҳолига маиший хизмат бошқармаси;
Наманган область ижроия комитети аҳолига маиший хизмат бошқармасининг Уйчи район ишлаб чиқариш бошқармаси;
Ўзбекистон ССР аҳолига маиший хизмат министрлигининг Самарқанд область «Зангори экран» ишлаб чиқариш бирлашмаси;
Сурхондарё область ижроия комитети аҳолига маиший хизмат бошқармасининг Сариосиё район маиший хизмат комбинати;
Бухоро область ижроия комитети савдо бошқармасининг Когон шаҳар савдо бўлими;
Қашқадарё область ижроия комитети савдо бошқармасининг Қарши горпромторги;
Тошкент шаҳар ижроия комитети савдо бош бошқармасининг «Таштекстильшвейторги»;
Фарғона область ижроия комитети савдо бошқармасининг Қиргули шаҳар савдо бўлими;
Тошкент шаҳар ижроия комитети умумий овқатланиш бошқармасининг Фрунзе ошхоналар трести;
Ўзбекистон ССР олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг В. И. Ленин номли Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент давлат университети;
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг биоорганик химия институти;
Наманган область матлубот союзининг Косонсой район матлубот жамияти;
Қашқадарё область матлубот союзининг Китоб район матлубот жамияти;
Сирдарё область матлубот союзининг Боёвут район матлубот жамияти;
Андижон область матлубот союзининг Олтинкўл район матлубот жамияти;
Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги қурилиш конструкциялари ишлаб чиқариш ва ёғочсозлик бош бошқармасининг Тошкент офтобпана қурилмалар заводи;
Ўзбекистон ССР «Главнефтеснабсбит»нинг нефть маҳсулотлари билан таъминлаш ва уларни сотиш Самарқанд область бошқармаси;
Ўзбекистон ССР «Главнефтеснабсбити»нинг нефть маҳсулотлари билан таъминлаш ва уларни сотиш Наманган область бошқармаси;
Бутуниттифоқ «Союзузбекгазпром» саноат бирлашмасининг «Намангангаз» газ билан таъминлаш ва газлаштириш Наманган область ишлаб чиқариш бирлашмаси;
Ўзбекистон ССР ўрмон хўжалиги министрлигининг Бекобод ўрмон хўжалиги;
Ўзбекистон ССР материал-техника таъминоти Давлат комитетининг Самарқанд материал-техника таъминоти бошқармаси;
Ўзбекистон ССР материал-техника таъминоти Давлат Комитетининг Сурхондарё материал-техника таъминоти бошқармаси;
Ўзбекистон ССР материал-техника таъминоти Давлат комитетининг Самарқанд ёқилғи-ёғоч—тахта базаси;
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли нашриёти;
Ўзбекистон ССР нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитетининг «Ўзбекистон» нашриёти;
Ўзбекистон ССР нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси Давлат комитетининг Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси бош корхонаси;
Ўзбекистон ССР нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитетининг Ўзбекистон китоб савдоси бирлашмаси;
Ўзбекистон ССР кинематография Давлат комитетининг Ўзбекистон илмий оммабоп ва хроникал ҳужжатли фильмлар киностудияси;
Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими Давлат комитетининг Самарқанд областидаги 94-қишлоқ ўрта ҳунар-техника билим юрти;
Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими Давлат комитетининг Наманган областидаги 111-шаҳар ўрта ҳунар-техника билим юрти;
Ўзбекистон қарлар жамияти марказий правлениесининг Олмалиқ ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси;
Ўзбекистон кўрлар жамияти марказий правлениесининг Наманган ишлаб чиқариш корхонаси;
Темир йўллар министрлиги метрополитенлар бош бошқармасининг Тошкент метрополитени;
Ўзбекистон ССР телевидение ва радио эшиттириш Давлат комитетининг республика радио эшиттириш ва овоз ёзиш уйи;
Темир йўллар министрлиги Ўрта Осиё темир йўлининг Тошкент бўлими;
Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ўзбекистон граждан авиацияси бошқармаси.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети республика меҳнаткашлари Ленин партияси раҳбарлигида КПСС XXV съезди, КПСС Марказий Комитети 1979 йил ноябрь Пленуми қарорлари ишлаб чиққан социал-иқтисодий сиёсатни муваффақиятли равишда амалга оширмоқ учун ҳамма ишни бажарадилар, 1980 йили ва умуман ўнинчи беш йилликнинг план топшириқлари тўла ва ошириб адо этилишини таъминлайдилар, деб қатъий ишонч билдирадилар.

Суратда: Бўка районидаги «Партия XX съезди» колхозининг илғор сут соғувчиси ўртоқ Қ. Қулбобоева.
Х. Аввалов ва А. Шотемиров фотоси.

ЧОРВАЧИЛИК — ЗАРБДОР ФРОНТ

ҚИШДА ҲАМ ЁЗДАГИДЕК

КОЛХОЗ сут-товар фермасининг мудири Қўчқор Хидиров гапни хўжалик чорвадорларининг ўтган йилги иш якунларидан бошлади.

— Тўғрисини айтсак, ўтган йил якунларидан хурсандмиз,— деди у ён дафтарини варақлар экан,— чорвадорларимиз сут, гўшт ва бошқа маҳсулотлар етиштириш ҳамда давлатга сотиш юзасидан белгиланган планларни ошириб бажардилар. Давлатга 1050 тоннага яқин сут, 105 тонна гўшт, 110 минг дона тухум етказиб берилди. Бошқача қилиб айтганда эл дастурхонига аввалги йилдагига қараганда 200 центнердан знёд сут, 540 центнер ортиқ гўшт, 30 минг дона кўп тухум тортиқ қилинди.

Колхоз чорвачилик комплекси 600 бош сигирга мўлжалланган. Ҳар бирига 200 бошдан сигир сиғадиган 3 та сигирхона, иккита бўрдоқихона, омборлар, озуқа цехи ва бошқа ёрдамчи бинолардан иборат бу комплекснинг ишга туширилганига эндигина бир йил бўлди. Бу ерда, дейлик, барча иш жараёнлари механизм зимасига юкланган. Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳамда давлатга сотиш бир йил ичидаёқ кескин ортганлиги янги чорвачилик комплексининг ишга туширилиши, моллар парвариши ва боқиши яхшиланганлиги шарофати, албатта.

Колхоз чорвадорлари қиш ғамини ёзда еб, моллар учун 3,5 минг тоннага яқин дағал хашак, 3 минг тоннадан ортиқ силос, етарли миқдорда сенаж, хашаки лавлаги ва бошқа озуқалар жамғаришди.

Айни кунларда ем-хашакдан тежаб-тергаб фойдаланилмоқда. Бунда дағал хашакни майдалаб, озуқа цехида буғлаб ва тўйимлигини ошириб бериш ғоят қўл келаётир.

Фермининг моҳир сут соғувчиси коммунист Тамара Нурматова беш йилликнинг тўртинчи йилида ҳар бир сигирдан 4700 килограммга яқин сут соғиб олиб, социалистик мусобақада биринчи ўринни эгаллабди.

Тамара Нурматова қишда ҳам ҳар бир сигирдан ўртача 10—12 килограммдан сут соғиб олишга эришмоқда. У ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида ҳар бир сигирдан соғиб олинадиган сут миқдорини 5 минг килограммга етказишга сўз берган.

Фермининг Т. Аширова, М. Холматова, М. Хидирова каби илғор сут соғувчилари ўтган йили ҳар сигирдан 3800—4400 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олишга муваффақ бўлдилар. Улар айни кунларда беш йилликнинг сўнгги йилида сигирлар маҳсулдорлигини 4500 килограммга етказиш юзасидан берган юксак ваъдаларига яраша меҳнат қилишяпти.

Колхоз чорвадорларининг бу йилги режалари катта. Улар ҳар бир сигирдан камида 3500 килограммдан сут соғиб олиш, гўшт, сут, тухум етиштириш ҳамда давлатга сотишни янада кўпайтиришга аҳд қилишган. Чорвадорлар белгиланган юксак марраларнинг муваффақиятли эгалланишида чорва қишловининг соз ва беталофот ўтказилиши муҳим аҳамиятга эга бўлидини яхши биладилар.

Колхоз правлениеси ва партия комитети чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш тадбирларини белгилаган. Комплексда чорвадорлар уйи ташкил этилган бўлиб, у шинам безатилган. Сут соғувчилар, молбоқар ва бузоқбоқарлар бу ерда газета-журналларнинг янги сонлари билан танишадилар, кўнгилли ҳордиқ чиқарадилар. Чорвадорлар учун кунига икки маҳал иссиқ овқат тайёрлаш йўлга қўйилган. Мусобақада ғолиб чиққан сут соғувчилар шарафига «Меҳнат шуҳрати» байроғи кўтарилмоқда.

М. ПЕЙСЕНОВ,
Янгийўл районидаги Ленин номли колхоз.

Спорт

ҚИШКИ ОЛИМПИАДА

ТУГАДИ

Кеча Америка Қўшма Штатларининг Лейк-Плэсид шаҳрида XIII қишки Олимпиада мусобақалари ниҳоясига етди.

Шанба куни кундузги ва кечқурун бўлиб ўтган мусобақалардан кейин яна бешта чемпионлар номи маълум бўлди. Николай Зимятов Олимпиаданинг учинчи олтин медалини қўлга киритишга муяссар бўлди. Унинг сўнгги ғалабаси командамизга шунинг учун қимматли эдики, совет спортчилари марафон пойгасида ҳали бирон марта ҳам ғолиб келмаган эдилар. 1968 йили Гренобльда Вячеслав Веденин ғолибга 17 секунд ютказиб қўйиб, кумуш медаль билан тақдирланган эди. Шу спортчининг ўзи Саппорода 50 километрлик масофага бўлган мусобақада учинчи бўлганди.

Николай Зимятов 50 километрлик мураккаб масофани 2 соат 27 минут 24,60 секундда босиб ўтиб, спортимиз тарихида марафончилар бахсида биринчи олтин медални олиб берди.

Олимпиада мусобақаларининг сўнгги икки тури олдидан совет спортчилари 10 та олтин, 5 та кумуш ва 6 та бронза медаллари билан норасмий команда ҳисобида пешқадамликни қўлларида сақлаб қолдилар. Иккинчи ўринни эгаллаб турган Германия Демократик Республикаси олимпиадачилари 7 та олтин, 7 та кумуш ва 6 та бронза медалларига эга. АҚШ спортчилари эса 5 та олтин (бу медалларнинг ҳаммасини конькичиларнинг беллашувларида Эррик Хайден қўлга киритишга муваффақ бўлиб, бу борада ўзига хос рекорд ўрнатди), 3 та кумуш ва 2 та бронза медаллари билан учинчи ўринда бормоқдалар.

Хоккейчиларнинг сўнгги учрашувларида қуйидаги командалар ўзаро баҳслашадилар: Финляндия — АҚШ — СССР — Швеция. Бундан аввал бўлиб ўтган турда АҚШ хоккейчилари кескин курашда СССР терма командасини 4:3 ҳисобида енгдилар. Финляндия — Швеция учрашуви 3:3 ҳисобида дуранг бўлиб тугади. Чехословакия хоккейчилари Канада командасини 6:1 ҳисобида енгиб, бешинчи ўринни олишди.

Кеча Лейк-Плэсид вақти билан соат 21.00 да, Тошкент вақти билан бугун эрталаб 8 да XIII қишки Олимпиада ўйинларининг тантанали ёпилиши бўлди.

●

ЮКСАК НАТИЖАЛАР

Клайпеда шаҳрида мамлакатнинг энг кучли камончилари СССР қишки чемпионатига якун ясадилар. М-2 машқида тошкентлик армиячи Н. Бутузова кескин курашда 2615 очко тўплаб, тбилисилик К. Лособеридзедан икки очко ўзиб кетиб, олтин медаль эгаси бўлганлигини маълум қилган эдик. Чемпионат қатнашчилари Олимпия программаси бўйича мусобақалашиб бўлишгандан кейин яна икки тур 18 ва 25 метрга отишда куч синашдилар. Бу бахсда ҳам ғолиблик учун К. Лособеридзе, Н. Бутузова, З. Рустамовалар асосий даъвогарлик қилдилар. Агар эркаклар ўртасида 18 ва 25 метрлардаги нишонни мўлжалга олишда А. Кислицин икки марта ҳурмат шохсупасининг юқорисига кўтарилган бўлса, аёллар медалларни бўлишиб олдилар. М-3 машқида 576 очко тўплаган К. Лособеридзе, М-4 машқида 575 очко тўплаган тошкентлик армиячи Н. Бутузова олтин медаль эгаси бўлди.

Қишки чемпионат тугади. Мамлакатнинг энг кучли камончилари Олимпиада мавсумини юксак натижалар билан бошладилар. Буларнинг орасида тошкентлик мерганлар Н. Бутузова билан О. Роговаларнинг ҳам борлиги қувонарлидир.

ЮМОРГА БОЙ ФИЛЬМ

Музикали комедия жанрида яратилган бадиий фильмлар томошабинларга қувноқ кайфият бахш этади. «Ўзбекфильм» студиясида ҳам бундай ленталардан бир нечтаси яратилган.

«Ёр-ёр» ҳам шу жанрга мансуб бўлган яхши фильмлардан бири ҳисобланади. Юморга бой бу лента истеъдодли кинорежиссёр Али Ҳамроев бошчилигида суратга олинган эди.

Таниқли ижодкорнинг навбатдаги фильми ҳам комедик характерга эга бўлади. «Трамвайдаги муҳаббат» деб номланган бу бадиий фильм устида ҳозир қизғин иш олиб борилмоқда. Ана шу экран асари «Ўзбекфильм» студиясининг бу йилги энг яхши фильмларидан бири сифатида томошабиларга тақдим этилади.

А. АКМАЛОВ.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Геология ва геофизика илмий-текшириш институтида ер ости бойликларини чуқур тадқиқ этиш борасида самарали ишлар олиб борилмоқда. Суратларда: (юқорида) геология-минералогия фанлари кандидати М. Мансуров, илмий-ходимлардан Т. Тимофеева ва М. Черневскаялар лабораторияда.

Институтнинг электрон микроскопия кабинетида.

И. Глауберзон фотолари.

ҚИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВ

Буюк ғалабанинг 35 йиллиги олдидан кўплаб жойларда Улуғ Ватан уруши ветеранлари билан учрашувлар бўлиб ўтмоқда. Яқинда ана шундай учрашувлардан бири В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг 2-ётоқхонаси клубида уюштирилди. Бу ерга меҳмон бўлиб келган Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округининг органи — «Фрунзевец» газетасининг редактори В. В. Стуловский ва шу газетанинг бўлим мудири В. С. Штефолар студентларга совет халқининг Улуғ Ватан уруши йилларида кўрсатган қаҳрамонлиги, ҳозирги пайтда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида олиб борилаётган ишлар ва халқаро мавзуларда гапириб беришди.

Учрашув қизиқарли ва мароқли ўтди.

В. АБДУЛЛАЕВ.



ЖАҲОН ЯНГИЛИКЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

СССР ТИНЧЛИКСЕВАР СИЁСАТИНИНГ МАНИФЕСТИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг Москва шаҳар Бауман сайлов округи сайловчиларининг сайловолди йиғилишида сўзлаган нутқи бутун дунёда ғоят кенг қизиқиш уйғотди. Чет эл оммавий ахборот воситалари нутқнинг тўла текстларини ёки унинг батафсил баёнини эълон қилдилар ва тарқатдилар. Давлат ва сиёсат арбоблари, жамоатчиликнинг таниқли намояндалари, матбуот Л. И. Брежневнинг нутқини ғоят катта халқаро аҳамиятга молик ҳужжат деб баҳолямоқдалар. Ташқи сиёсий обзорчилар КПСС билан Совет давлатининг раҳбари 80-йиллар жаҳон социализмини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, мустаҳкам тинчликни таъминлаш учун кураш ишида олға томон янада ҳаракат қилиш бўлади деб қатъий ишонч билдирганлигини таъкидламоқдалар.

Болгарияда чиқадиган «Работническо дело» газетаси «Келажакни ҳимоя қилиб» сарлавҳали мақоласида қуйидагиларни ёзади: Ўртоқ Л. И. Брежневнинг сайловолди нутқини бутун жаҳон жамоатчилиги зўр қизиқиш билан кутиб олди. Болгар халқи бу нутқни СССР изчил тинчликсевар сиёсатининг, Коммунистик қурилиш, жаҳон социализмини, сиёсий ва ҳарбий кескинликни юмшатилишини мустаҳкамлаш ленинча йўлини чинакам манифести деб биларди. Л. И. Брежневнинг нутқи умидворлик, вазминлик ва комил ишонч, астойдил тинчликсеварлик руҳи билан суғорилган. Ленин партиясининг заковати совет халқининг коммунизм сари бунёдкорлик интилишлари бугунги кунда барча тинчликсевар ва тараққийпарвар кучларининг таянчи ҳамда авангарди бўлмиш Советлар мамлакатининг тарихий вазифасини англаш бу нутқда ёркин ифодасини топди. Кремль съездлар саройидаги йиғилиш, сайловчилар ўзларининг муносиб номзоди Л. И. Брежнев тўғрисида айтган самимий сўзлар сайлов арафасида Совет Иттифоқидаги сиёсий иқлимни, совет халқининг ғоявий-сиёсий бирлигини, унинг КПСС тевараги да жипслашганлигини, совет ватанпарварлиги ва интернационализмини ифода этади.

Нутқ ўртоқ Л. И. Брежневнинг тинчлик ва кескинликни юмшатиш, социализм ва тараққиёт ишига қўшаётган шахсий ҳиссасини яна бир бор зўр куч билан намойиш қилди, деб таъкидлайди БКП Марказий Комитетининг органи.

Чехословакиянинг «Руде право» газетаси бош мақоласида қуйидагиларни ёзади: Л. И. Брежнев ўз нутқида СССРнинг ички сиёсий ривожланиши ҳамда КПСС ва Совет давлатининг халқаро фаолияти якунларини анализ қилди. Бу якунлар ғоят салмоқлидир. СССР урушга қарши олиб бораётган собитқадам тинчликсевар сиёсатнинг бош натижаси шундан иборатки, инсоният «жаҳон уруши — қисқа муддатли тинч танаффус — яна жаҳон урушидан иборат фожиали циклга барҳам беришга муваффақ бўлди. КПССнинг ташқи сиёсий йўли, дастлаб, Ленин партиясининг XXIV ва XXV съездлари сиёсий йўлининг асосли ва самарали эканлигини халқаро муносабатлар практикаси тасдиқлади.

Совет Иттифоқи, деб давом қилади ЧКП Марказий Комитетининг органи, таркиб топган кучлар мувозанати бузилишига йўл қўймаслигини бир неча марта билдирди. АҚШ президенти Картер буни яхши билади. Л. И. Брежнев ўтган йили Венада бу ҳақда равшан ва рўй-рост гапирган эди. Совет раҳбари Брюсселда НАТО кенгашининг сессияси бошланмасдан икки ой илгари ўзининг Берлинда сўзлаган нутқида буни яна бир марта эслатиб ўтди. Ушанда у АҚШнинг Ғарбий Европага янги ракета-ядро қуролларини тиқиштириш йўлидаги уринишларига бутун Европада ана шу воситаларни чеклаш юзасидан музокаралар бошлаш тўғрисидаги таклиф билан жавоб қилди. Лекин афсуски, ана шу ақл-идрок овозига ҳануз қулоқ солингани йўқ. Бу фактга Л. И. Брежнев ўзининг сайловолди нутқида очиқ-ойдин жавоб бериб Совет Иттифоқи ўзининг мудофаа қобилиятини совет халқининг, бошқа социалистик мамлакатлар халқларининг тинч меҳнатини ҳамиша мустаҳкам ҳимоя қиладиган даражада мустаҳкамлайверади, деди. Ҳозирги мураккаб халқаро вазиятда СССР Америка ҳукуматининг ниятларига учмай соғлом, осойишта вазминликни сақлаб қолди. Бу—заифлик эмас. Бу —куч-қувватдан далолат беради. Бу—СССР ўз манфаатларини, ўз иттифоқчиларининг манфаатларини, жаҳон социализми манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қилишга қодир эканлигига қатъий ишончнинг ифодасидир.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг сайловчилар билан учрашуви, унинг нутқи бутун дунёда ғоят зўр қизиқиш туғдирди деб ёзади Польшанинг «Трибуна люду» газетаси. Совет раҳбари СССР эришган муваффақиятларни юксак баҳолади, халқаро вазиятни чуқур анализ қилди, КПССнинг жуда яқин йиллардаги фаолиятининг энг асосий йўналишини белгилаб берди. ПБИП Марказий Комитетининг органи сайловолди нутқининг ғоят катта аҳамиятини таъкидлаб шуни уқтирадики, Л. И. Брежнев АҚШнинг «совуқ уруш» бошқа тарафдорларининг советларга қарши ҳамма ҳужумларига вазминлик билан қатъий ва конструктив жавоб қайтарди, халқаро аҳвол чигаллашганлигининг сабабларини кўрсатди. Совет Иттифоқи изчиллик билан амалга ошираётган тинчликсевар сиёсатини поляк халқи тўла қўллаб-қувватлямоқда деб таъкидлайди пировардида «Трибуна люду» газетаси.

«Нойес дойчланд» (ГДР) газетаси ёзади: Совет давлатининг бошлиғи СССР КПСС XXIV ва XXV съездларида ишлаб чиқилган тинчлик программасига содиқ эканлигини таъкиддади. У ишонч билдирди айтдики, 80-йиллар Коммунистик қурилишда, жаҳон социализмини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда, мустаҳкам тинчликни таъминлаш учун кураш ишида олға томон янада силжишда янги-янги муваффақиятларга эришиладиган йиллар бўлади. Социалистик мамлакатлар ўртасидаги қардошларча мустаҳкам иттифоқ — социалистик ҳамдўстлик мана шу мураккаб ва нотинч замонда ҳам олға бораверишининг гарови.

Венгрия телевидениесининг шарҳчиси бундай деди: Л. И. Брежневнинг нутқидан шу нарса равшан кўринадики, Совет Иттифоқи ҳеч кимга хавф солаётгани йўқ, лекин ҳеч кимнинг ўзига ва ўз иттифоқчиларига хавф солишига ҳам йўл қўймайди. Л. И. Брежнев ҳозирги халқаро вазият кескинлашганлигига АҚШнинг сиёсати, империализмнинг кирдикорлари сабаб бўлганлигини ишонарли тарзда кўрсатди.

ФИТНА БАРБОД ЭТИЛДИ

КОБУЛ, 23 февраль. (ТАСС). Афғонистон пойтахтининг ватанпарварлик кучлари, Кобул гарнизонининг солдатлари ва офицерлари, АДР хавфсизлик хизмати кеча Кобулда қонли тўполон чиқармоқчи бўлган Марказий разведка бошқармаси ҳамда бошқа империалистик махсус хизматларнинг фитнасини барбод этдилар. Реакция бошлиқлари Покистондан юборилган террорчиларнинг ёлланган гуруҳларини қуроллантириб АДР ҳукуматини, пойтахт меҳнаткашларини ғафлатда қолдиришни ва қутилмаганда ичкаридан зарба уришни мўлжалладилар. Афғон революциясининг душманлари доғда қолдилар. Кобул аҳолиси бандитларнинг чўчитишларига ва таҳдидларидан қўрқмадилар, аҳоли ана шу мурдтадларни қўллаб-қувватлаш учун ёқда турсин, балки қатъият билан уларга қарши отланди. АДР ҳукумати ва Афғонистон Халқ Демократик партияси тевараги да жипслашиб Апрель революциясини ҳимоя қилди. Кобул гарнизонининг солдат ва офицерлари пойтахтнинг тинч аҳолисини ёлланган бандитлар ва игвогарлардан ҳимоя қилиб мардлик, матонат ва революцион ҳушёрлик кўрсатдилар.

Империалистик кучларнинг Қобулдаги игвогарлигини «стихияли» иш эмас, МРБ раҳбарларининг Кобулга барвақтроқ келиб ўрнашиб олган американлик, покистонлик агентлар ва бошқа агентларга берган йўл-йўриқларига қараганда улар ишни худди шундай қилиб кўрсатишни истардилар. АДР хавфсизлик органлари ва афғон ватанпарварлари қамоққа олган игвогарлар ва жосусларнинг бераётган гувоҳликлари ана шундан яққол далолат берали. Дастлабки сўроқлардаёқ Кобулдаги игвогарликка аллақачондан буён ва пухта ҳозирлик кўрилганлиги равшан бўлди. Оқ уйнинг расмий вакиллари ўз баёнотларида афғон календари бўйича биринчи баҳор ойининг боши айни — 21 февралда Афғонистонга қарши жазавани авж олдиришдан янги босқичнинг бошланиши бўлади, деб ошкора шаъма қилган эдилар. Вашингтондаги расмий доиралар ва уларнинг Покистондаги ва Пекиндаги тўмашталари Кобулда тартибсизликлар чиқариш, ғуғолятда қўпларни дала ишларини барбод этиш ва афғон халқини очликка маҳкум қилиш мақсадларини кўзлаган эдилар.

Хўш, бугунги кунда империалистлар Афғонистонда умид боғлаётган ўша кишилар ким экан? Жиноят устида қамоққа олинган, Америка ва Хитой қуроли билан қуролланган бир группа талончилар ва қотилларни журналистларга кўрсатишди. Ундан Америка долларлари ва инглиз фунтлари мусодара қилинди. Покистон территориясидаги махсус лагерларда Америка инструкторлари тайёрлаган 16 агент олдимизда турибди.

Уларнинг иккисида Покистон паспортлари билан бирга қамоққа олинганларнинг портретлари туширилган Покистон газеталари ҳам топилди. Фотосуратлар остига «хавфли жиноятчилар сифатида полиция томонидан қидирилмоқдалар», деб ёзиб қўйилган. Бундан ташқари уларнинг чўнтакларидан қуролларни ва улар майда савдогарларнинг дўконларини талон-тарож қилиб ўмаришга улгурган нарсаларни: қимматбаҳо тошлар, ҳар хил системадаги соатлар ва ҳатто хавфсиз устара лезвияларини ҳам олишди. Улар қўлига дуч келган нарсаларни бошқа талончилардан кейин қолган нарсаларнинг ҳаммасини улгурганларича ўмаришаверишган. Бандитлар дўконларинг бирида отаси ёнини олмоқчи бўлган ёш боланинг бошини уриб ёришган.

Отрядларга бириккан ва ватанпарварлик кайфиятида бўлган афғон ёшлари жиноят устида қўлга олинган тобора янги-янги бандитларни комендатураларга олиб келмоқдалар. Уларнинг баъзиларида кучли радиопередатчиклар, террорчи гуруҳ бошлиқларининг номлари ва лақаблари рўйхати, шифрлар, пуллар топилди.

АДР ҳукумати, революцион отрядлар игвогарлар билан ғаламисларни қўлга олиб, зарарсизлантириш юзасидан қатъий чоралар кўрмоқдалар. Соф виждонли гражданлар, афғон ватанпарварлари телевидение ва радио орқали сўзга чиқиб, империалистларнинг афғон халқига қарши қилаётган игвогарликлари ва кирдикорларини қаҳр-ғазаб билан қораламоқдалар.

ЭРОНДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

ТЕҲРОН, 23 февраль. (ТАСС). Бугун оятилло Хумайни АҚШнинг Теҳрондаги элчихонасида гаровга ушлаб турилган америкаликларнинг тақдирини апрель ойи бошларида сайланадиган Эрон парламенти ҳал қилади, деб айтди. Ислом революцион кенгаши ва мамлакат президенти Банисадр парламент сайлангунича Панамада турган шоҳнинг топширилиши ва у талаб олиб кетган бойликларни Эронга қайтариб бериши учун мумкин бўлган ҳамма чораларни кўриши керак. Гаровга олинганларнинг қачон ва қайси шартлар асосида озод этилиши парламентнинг қарорига боғлиқдир, деди у.

Биз, деб давом қилди оятилло Хумайни, собиқ шоҳнинг Эронга сургун қилинишини талаб этамиз ва халқ бу талабдан ҳеч қачон воз кечмайди. Америка элчихонаси сингари жосуслар уясини қўлга олган студентлар ўзларининг революцион ҳаракатлари туфайли Америка империализмига қақшатгич зарба бердилар ва бизнинг халқимиз бу билан фахрланади.

Оятилло Хумайни эронликларни, хусусан гурмаларда ва шох жаллодларининг, ўқидан ҳалоқ бўлган кишиларнинг ёру-дўстлари ва қариндош уруғларидан ўз билганларини ёзиб юборишга даъват этди. Гувоҳларнинг бу мактублари собиқ шоҳнинг жиноятларини текшириш учун бугун Эронга келадиган халқаро комиссияга тақдим этилади.

Кейинги икки кун мобайнида Теҳронда, Табриз, Ришта, Журжонда ва Эроннинг бошқа кўпгина шаҳларида шох режимига қарши курашда актив қатнашган «Мужахидине халқ» ташкилоти аъзолари ва тарафдорларининг оммавий митинглари ҳамда намойишлари бўлиб ўтди. Митинглар ва намойишлар Америкага қарши, империализмга қарши шиорлар остида ўтди ва мамлакатда парламентга бўладиган сайлов кампанияси бошланишига бағишланди.

Редактор ўринбосари С. МУСАЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

26, 27 ФЕВРАЛЬ СОАТ 19.00 ДА

Бутуниттифоқ профессионал бадиий коллективлар кўриги—конкурсининг лауреати

ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС «ШОДЛИК» АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

ДИЛБАР ФАЕЗОВА.

Солистлар: Ортиқ ОТАЖОНОВ, Ҳотам ҲОЖИЕВ, Дилором ҚАЮМОВА, Ҳавасхон ҲОЖИЕВА, Бахтиёр ХОЛХУЖАЕВ, Райхон АБДУЛЛАЕВА, Нарзиддин ШЕРМАТОВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛГУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

«ШОДЛИК» ансамблининг бадиий раҳбари — Қодир МЎМИНОВ.

Музика раҳбари — Исматулла РАҲМАТУЛЛАЕВ.

Программани — Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.

Билетлар концерт зали нассасида соат 14.00 дан, шанба ва якшанба кунлари соат 10.00 дан сотилади.

Тошкент давлат циркида

27 ФЕВРАЛДАН БОШЛАБ

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА

МОСКВА КАТТА ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ

ГАСТРОЛЛАРИ

ПРОГРАММАДА:

«ШЕРЛАР ОРАСИДА»

(Бербер шерлари)

ИИРИК СОВЕТ АТТРАКЦИОНИ

Ўргатувчи — цирк санъатининг Бутуниттифоқ кўриги лауреати ва Бутуниттифоқ конкурсининг дипломанти Борис БИРЮКОВ.

РСФСРда ва Шимолий Осетия АССРда хизмат кўрсатган артист Эрбек КАНТЕМИРОВ раҳбарлигидаги

«АЛИБЕК»

ОСЕТИЯ ИИГИТЛАРИ АТТРАКЦИОНИ

Паузаларда — янги репризлар, масхарабозликлар, интермедияларнинг ижрочиси, масхарабоз—Мим, Арманистон ССРда хизмат кўрсатган артист Вилен Меликжаняннинг чиқишлари.

Томошалар соат 19.30 да, шанба кунлари соат 16.00 да ва 19.30 да, якшанба кунлари соат 12.00, 16.00 ва 19.30 да бошланади.

КАССА СОАТ 10.00 ДАН 20.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

44-35-84, 44-35-91 телефон номерлари бўйича коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг

1- ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ

(Т. Шевченко кўчаси, 28-уй)

ТРОЛЛЕЙБУС ҲАЙДОВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН 5 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ҲАР ОЙДА 70 СЎМДАН СТИПЕНДИЯ БЕРИЛАДИ. КУРСАНТЛАР, СЎНГРА ҲАЙДОВЧИЛАР ТРАМВАЙ ВА ТРОЛЛЕЙБУСЛАРДАН БЕПУЛ ФОЙДАЛАНАДИЛАР. БОШҚА ШАҲАРЛИКЛАР ДЕПО ЯҚИНИГА ЖОЙАШГАН ЁТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Депо ишчилари форма кийими билан таъминланадилар, (50 процент ҳаки тўланади).

ШУНИНГДЕК, КОНДУКТОРЛАР ВА КОНТРОЛЕРЛАР ТАЙЁРЛАЙДИГАН КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ.

ЎҚИШ — МУДДАТИ 15 КУН. СТИПЕНДИЯ ТЎЛАНАДИ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Қишки Олимпиада ўйинларида. 10.00 — Мультфильмлар. 10.30 — Аслида ёўқ шаҳардаги саргузашт. Бадиий фильм. 12.00 — Совет композиторларининг қўшиқлари. 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 15.40 — Онамларнинг мактаби. 16.10 — Концерт. 16.30 — Сизга манзур шеърлар. 17.00 — Телестадион. 17.30 — Кинопрограмма. 18.00 — Қалбга яқин қўшиқлар. 18.45 — Хоккей: Олимпиаданинг финал группаси қатнашчиларининг учрашувлари. 21.30 — Время. 22.00 — Қишки Олимпиада. Хоккей учрашуви. 24.00 — Дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

I.

11.30 — Ўқув кўрсатуви. 12.00 — Нафосат оламида. 12.30 — Ўқув кўрсатуви. 13.00 Озодлик солдатлари. Бадиий фильм 1-фильм. 18.20 — Пионер дружиналари Бутуниттифоқ маршида. 18.50 — Ватан посбонлари. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ўлкамизни боғ-роллар айлантирайлик. 20.00 — Тошкентда футбол бўйича халқаро ўсмирлар турнирининг очилиши олдидан. 20.30— Ахборот. 20.55 — Х. Ражабов қуйлайди. 21.30 — Время. 22.00 — Қора шаҳзода. Бадиий фильм.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Ёшлик. 20.55 — Олий математика.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 26|II да Флория Тоска.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 26|II да Келинлар кўзголони.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 25|II да Кулги кечаси.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 25|II да Отилмаган ўқ, 26|II да Ишқ қурбонлари.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41. Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик —325733; маданият — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 13730. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Б.—1552.